Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ◆ № 63 (8553). ● 29 март, 1985 йил ● ЖУМА ● Баҳоси 3 тийин.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ СИЁСИЙ БЮРОСИДА

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси ўзининг навбатдаги мажлисида СССР энергетика ва электрлаштириш министрлиги иссиқлик электр станцияларини техника билан қайта қуроллантириш ва реконструкция қилишнинг 1986—1990 йилларга мўлжалланган программасини кўриб чиқди.

Бу программанинг амалга оширилиши муҳим социал ва иқтисодий аҳамиятга эга бўлади. У халқ хўжалигининг, шаҳарлар ва ишчи посёлкалари аҳолисининг энергия таъминоти пухталигини ошириш, ёқилғини янада тежаб-тергаб сарфлаш, энергетикларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш имконини беради.

Бир қанча электр станцияларни ишлатиш муддатларини узайтиришга, эскирган энергетика агрегатларини алмаштиришга, энергетика асбоб-ускуналарининг бир қисмини модернизациялашга, истеъмолчиларга иссиқлик юборишни камайтирмай туриб, баъзи электр станцияларни иситиш ва буғ қозонхоналарига айлантиришга қаратилган кўпгина тадбирлар белгиланди. Асбоб-ускуналарнинг зарур узеллари ва запас қисмлар тайёрлаш ҳамда етказиб бериш топшириқлари белгиланди.

Умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишларига ҳамда ҳисоблаш техникаси ва автоматлаштирилган системаларни яратиш, ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва улардан самарали фойдаланиш умумдавлат программасига мувофиқ, Сиёсий бюро ўрта ўқув юртларида ўқувчиларининг компьютердан саводхон бўлишини ва ўқув жараёнига электрон-ҳисоблаш техникасини кенг жорий этиш, мактаб предметларини ўқитишда ЭҲМдан фойдаланишга оид кенг эксперимент ўтказиш кўзда тутилади. Шу предметдан дарс бериш учун ўқитувчилар тайёрлаш курсларини очиш, ўқув юртларида ҳисоблаш техникаси кабинетлари ташкил этиш, ўқув жараёнининг программа-методик жиҳатдан таъминланишини йўлга қўйиш мўлжалланмоқда. Электрон-ҳисоблаш техникасидан ўқувчилар билан синфдан ташқари иш формаларида, техникавий ижодкорликни ташкил этишда, клублар, пионерлар уйлари, маданият саройлари фаолиятида кенг фойдаланилади. Ёшлар ҳисоблаш техникасини ҳар томонлама ва чуқур ўрганиши мамлакатдаги фан-техника тараққиётини жадаллаштиришнинг муҳим омили бўлиб қолиши кераклиги таъкидланди.

Меҳнаткашлардан КПСС Марказий Комитетига ва СССР Министрлар Советига тушаётган таклифлар муносабати билан Сиёсий бюро гражданларнинг медицина хизмати ва социал таъминотини янада яхшилашга, шунингдек ишчи ва хизматчиларнинг коллектив боғдорчилиги ва сабзавотчилигини ривожлантиришга қаратилган тадбирларни ишлаб чиқиш тўғрисида топшириқ берди.

Ўртоқ М. С. Горбачевнинг Куба Компартияси Марказий Комитети иккинчи секретари Раул Кастро билан учрашуви тўғрисидаги ахбороти тингланиб, маъқулланди. Сиёсий бюронинг мажлисида таъкидланганидек, шу учрашувда ўтказилган фикрлашувлар партиямиз билан мамлакатларимизнинг Совет-Куба муносабатлари муҳокама этилган барча масалалар ва актуал халқаро проблемалар хусусидаги фикрлари бирлигини, КПСС ва Совет давлатининг социалистик Куба билан муттасил бирдамлигини тасдиқлади.

Сиёсий бюро ўртоқ М. С. Горбачевнинг Социалистик Интернационал қуролсизланиш маслаҳат кенгаши билан учрашуви ва ўртоқ Б. Н. Пономарев бошчилигидаги КПСС делегациясининг шу кенгаш билан суҳбатлари якунларини кўриб чиқиб, маъқуллади. Қуролланиш пойгасини тўхтатиш ва қуролланиш пойгасининг космосга ёйилишига йўл қўймаслик учун, ядро қуролларини кўпайтиришни ва жойлаштиришни тўхтатиш ҳамда уларни тубдан қисқартиришга ўтиш учун, халқаро иқлимни соғломлаштириш ва давлатлар ўртасида самарали ҳамкорликни ривожлантириш учун курашнинг бутун инсоният учун ҳаётий муҳим масалаларига бағишлаб ўтказилган музокараларнинг дўстона ва амалий характери мамнуният билан қайд этилди. КПССнинг шу мақсадларга эришиш йўлида барча тинчликсевар жамоатчилик кучлари билан, шу жумладан Социалистик Интернационалга кирувчи партиялар билан актив ҳамкорликка тайёрлиги тасдиқланди.

Сиёсий бюро Н. А. Тихонов, А. А. Громико ва Н. И. Рижков ўртоқларнинг РСР ҳукумати Бош министри К. Дэскэлеску бошчилигидаги Руминия Социалистик Республикаси делегациясининг ташрифи ва унинг билан учрашуви якунларини муҳокама қилди. Бўлиб ўтган фикрлашувлар ва имзоланган Совет-Руминия ҳужжатлари давлатларимиз ўртасидаги муносабатларни янада ривожлантиришга, Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши ва Варшава Шартномаси доирасида социалистик мамлакатларнинг ўзаро алоқаларини чуқурлаштиришга кўмаклашади, деб уқтириб ўтилди.

Ўртоқ Н. А. Тихоновнинг Болгария Халқ Республикаси Министрлар Совети Раиси Г. Филипов билан ўтказган музокаралари натижалари кўриб чиқилди. Шу музокаралар давомида турли соҳалардаги Совет-Болгария ҳамкорлигини кенгайтириш ва такомиллаштириш тадбирлари белгиланди, бу ҳамкорликнинг самарадорлигини ошириш йўллари кўрсатилди, бу эса иккала қардош мамлакатнинг манфаатларига мос бўлиб тушади ва Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларнинг олий даражадаги иқтисодий кенгаши коллектив қарорларини бажаришга хизмат қилади.

А. А. Громикоининг ГДР Ташқи ишлар министри О. Фишер билан музокаралари якунлари тўғрисидаги ахборотини тинглаб, Сиёсий бюро бу музокаралар томонларнинг муҳокама қилинган ҳамма масалалар ҳусусидаги фикрлари бирлигини, улар-нинг Совет Иттифоқи билан Германия Демократик Республикаси ўртасидаги қардошларча бузилмас дўстлигини мустаҳкамлашга яқдил интилишини яна бир бор кўрсатди, деб уқтириб ўтди.

СССР билан Хитой Халқ Республикаси ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларни янада ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди. Иккала мамлакат ўртасидаги савдо-сотиқ ҳажмини ўстириш уларнинг муносабатларини яхшилаш йўлидаги яна бир қадам бўлиши қайд этилди.

СССРда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти йилини (1985 йил) ва Халқаро тинчлик йилини (1986 йил) ўтказиш тадбирлари плани кўриб чиқилиб, маъқулланди. Бу тадбирларнинг умумий йўналиши халқаро кескинликни юмшатишга ва қуролланиш пойгасини тўхтатишга эришиш мақсадини кўзловчи куч-ғайратларни изчиллик билан оширишдан иборат. Совет Иттифоқи таъсирчан тинчлик қуроли бўлмиш БМТга доимо катта аҳамият бериб келди ва ҳозир ҳам катта аҳамият бермоқда. У қирқ йил муқаддам фашизм устидан қозонилган Улуғ Ғалаба вазиятида БМТ учун асос қилиб олинган одилона, демократик принциплар халқаро муносабатлар практикасида мустаҳкам қарор топиши учун сабот билан курашаверади.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг мажлисида мамлакатимиз ички ва ташқи сиёсатининг тинчликсевар ташқи сиёсий йўлини ўтказишнинг бошқа баъзи масалалари ҳам кўриб чиқилиб, улар юзасидан қарорлар қабул қилинди.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ БЮРОСИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бюроси ўзининг навбатдаги мажлисида Ўзбекистон ССР Монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлиги коллегиясининг Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленуми қарорлари асосида кадрлар билан ишлаш тўғрисидаги ҳисоботини кўриб чиқди. Коллегия кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялашда жиддий камчилик ва нуқсонларга йўл қўяётганлиги, кадрларнинг кучлари бош вазифани ҳал этишга — давлат планларини бажаришга суст сафарбар қилинаётганлиги қайд этилди. Министрлик ходимларни кўтаришда кўпинча шошма-шошарликка ва палапартишликка йўл қўймоқда, улар тез-тез алмаштирилмоқда, резерв тайёрлаш йўлга қўйилмаган. Раҳбарлик лавозимларига авваллги иш жойида обрўсизланган кишиларни қабул қилиш фактлари бор. Инженер-техник лавозимларининг кўп қисмида, шу жумладан министрлик аппаратида практиклар ишлаб турибди. Айни вақтда кўпгина дипломли мутахассислардан олий маълумотли бўлиш талаб қилинмайдиган иш жойларида фойдаланилмоқда.

Марказий Комитет бюроси Монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлигининг коллегиясидан камчиликларни тугатишни, кадрларни ишчанлик фазилатлари, сиёсий ва маънавий сифатларига қараб танлашдан иборат ленинча нормаларга қатъий риоя қилинишини, ҳар бир ходимнинг топширилган иш учун юксак масъулиятини таъминлашни талаб қилди. Министрликка кадрларнинг амалдаги резервини вужудга келтириш, ёш, умидбахш мутахассисларни масъулиятли ишларга дадилроқ кўтариш, ҳамма участкаларда сиёсий етук, билимдон ташкилотчилар бўлишига интилиш таклиф қилинди. Давлат, план, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш учун қатъият билан курашиш, қўшиб ёзиш ва кўзбўямачиликка, социалистик мулкнинг ўғирланишига йўл қўювчи шахсларни қаттиқ жавобгарликка тортиш лозим.

Монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлиги аппаратининг партия бюроси партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил ноябрь ва кейинги Пленумлари қарорларини, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми йўл-йўриқларини мутасил бажариш учун коммунистларнинг, барча ходимларнинг шахсий масъулиятини ошириши зарур. Аппаратнинг иш услуби ва методларини такомиллаштиришга партиявий таъсир ўтказиш формалари ва методларидан кенгроқ фойдаланиш, ижрони контроль қилиш ва текширишни кучайтириш, танқид ва ўз-ўзини танқидни ривожлантириш, ташкилотчилик ва оммавий-сиёсий ишнинг самарадорлигига эришиш керак.

Қишлоқ хўжалиги ходимларининг 1984 йилда деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ҳамда тайёрлашни кўпайтириш учун ўтказилган республика социалистик мусобақасининг якунлари муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг шу масалага оид қарори эълон қилинади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг мажлисида республикани иқтисодий ва социал жиҳатдан ривожлантиришга партиявий раҳбарлик қилиш, ташкилотчилик ва сиёсий ишнинг бошқа масалалари ҳам кўриб чиқилиб, улар юзасидан қарорлар қабул қилинди.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИДА

ТОШКЕНТ область партия комитети область пахтакорлар советининг чигит экишга ўз вақтида сифатли тайёргарлик кўриш, уруғликни эрта муддатларда уюшқоқлик билан экиб, уни ернинг табиий намига тўла ва қийғос ундириб олиш юзасидан тавсияларини маъқуллади.

Район партия комитетлари, район ижроия комитетлари, область агросаноат бирлашмаси, область қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармалари, «Ташоблсельхозтехника», «Ташоблсельхозхимия», «Ташоблзаготхлопкопром» бирлашмалари ва уларнинг жойлардаги органлари, хўжаликларнинг раҳбарлари ва партия ташкилотларига қуйидагилар таклиф қилинди:

ушбу тавсиялар икки кунлик муддат ичида барча пахтакор колхоз ва совхозларда, бригадаларда кенг муҳокама этилиб, маҳаллий шароит ҳисобга олинган ҳолда чигит экишга ўз вақтида сифатли тайёргарлик кўриш, уруғликни эрта муддатларда уюшқоқлик билан экиб, унн ернинг табиий намига тўла ва қийғос ундириб олишга қаратилган аниқ ташкилий—хўжалик ва агротехник тадбирлар ишлаб чиқилиб, амалга оширилсин;

мавжуд барча тракторлар, бороналар, экиш агрегатларини чигит экишга сифатли тайёрлаш ва улар қувватидан юксак унум билан фойдаланишни таъминлаш юзасидан кундалик қатъий назорат ўрнатилсин.

«Тошкент ҳақиқати» ва «Ташкентская правда» газеталари редакцияларига чигитни ўз вақтида сифатли экиш бўйича илғор бригада ва хўжаликларнинг иш тажрибасини кенг ёритиш топширилди.

(Тавсиялар газетанинг 2-бетида эълон қилинмоқда).

ЯРИМ ЙИЛЛИК ПЛАН БАЖАРИЛДИ

ТОШКЕНТ районидаги «Ленинград» совхози чорвадорлари йилдан-йилга гўштсут ва бошқа турдаги чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириб бормоқдалар. Хўжаликда қишлов даврига қорамоллар ва соғин сигирлар маҳсулдорлигининг юқори бўлиши учун курашилмоқда. Шу туфайли гўшт-сут етиштириш камаймаётир. 1984—1985 йиллар чорва қишловини ҳам муваффақиятли якунлаётган совхоз чорвадорлари дастлабки ғалабани қўлга киритдилар. Давлатга гўшт сотиш ярим йиллик плани муддатидан илгари бажарилди.

Эл дастурхонига пландаги 25 тонна ўрнига салкам 29 тонна гўшт етказиб берилди. Гўштга топширилган қорамоллар юқори семизликда бўлди. Совхоз сут-товар фермаси ходимлари ҳам баракали меҳнат қилишяпти. Умуман хўжалик чорвадорлари КПСС XXVII съезди, Буюк Ғалабанинг 40 йиллиги шарафига ўн биринчи беш йилликнинг якунловчи йилида чорва маҳсулотлари етиштиришни кескин кўпайтиришга аҳд қилишган.

Ф. МУҲИДДИНОВ.

МЕХАНИЗАТОРЛАР КОНКУРСИ

Коммунистик районидаги «Ленинский путь» колхозида экиш ишлари бошланиши арафасида одатдан ташқари маросим бўлди. Байрамона безатилган стадионга колхоз ветеранлари, мўл ҳосил усталари, механизаторлар, пионерлар келишди. Сеялкалар тиркалган тракторлар дала четига қатор қилиб қўйилди. Хўжаликнинг энг яхши мутахассисларидан иборат жюри техникани пухта қўздан кечириб, механизаторлар экиш агрегатларини бошқариш ва улардан фойдаланиш, ғўзани парвариш қилиш агротехникаси қоидаларини қанчалик билишларини текширди.

Колхоз ветеранлари «оқ олтин»дан мўл ҳосил олиш йўллари тўғрисида ёш деҳқонларга гапириб бердилар. Конкурс қатнашчилари колхоз усталари тайёрлаган мосламаларни зўр қизиқиш билан кўздан кечирдилар. Булар — культиватор иш органларини мустаҳкамлайдиган мосламалар, валикларни тозалайдиган қуракчалар, сеялкаларга ўрнатилиб чигит солинадиган қўшимча идишлардир.

Сўнгра бошқа пахта майдонида механизаторлар мусобақаси бошланди. Умир Боирбеков, Тўрабек Тўрташев, Исроил Маҳанов ва Пётр Сон конкурс ғолиблари бўлишди. Уларга совринлар топширилди.

(ЎзТАГ мухбири).

СССР мудофаа министрининг БУЙРУҒИ

1985 йил 28 март. № 72. Москва шаҳри.

БЕЛГИЛАНГАН ҲАҚИҚИЙ ҲАРБИЙ ХИЗМАТ МУДДАТИНИ ЎТАБ БЎЛГАН ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРНИ СССР ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИНИНГ САФЛАРИДАН ЗАПАСГА БЎШАТИШ ҲАҚИДА ҲАМДА 1985 ЙИЛНИНГ АПРЕЛЬ—ИЮНЬ ОЙЛАРИДА ГРАЖДАНЛАРНИ НАВБАТДАГИ ҲАҚИҚИЙ ҲАРБИЙ ХИЗМАТГА ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

СССРнинг «Умумий ҳарбий мажбурият тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ **буюраман:**

1. Ҳақиқий ҳарбий хизмат муддатини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчилар 1985 йилнинг апрель—июнь ойларида Совет Армияси, Ҳарбий-Денгиз Флоти, чегара қўшинлари ва ички қўшинлар сафидан запасга бўшатилсин.

2. Ушбу буйруқнинг 1-бандида кўрсатилган ҳарбий хизматчилар запасга бўшатилиши муносабати билан чақириқ кунигача 18 ёшга тўладиган, ҳақиқий ҳарбий хизматга чақириқ муддатини кечиктириш ҳуқуқига эга бўлмаган эркак гражданлар, шунингдек чақириқ муддатини кечиктириш ҳуқуқини йўқотган катта ёшдаги гражданлар 1985 йилнинг апрель—июнь ойларида Совет Армияси, Ҳарбий-Денгиз флотида, чегара қўшинлари ва ички қўшинлар сафида муддатли ҳақиқий ҳарбий хизматни ўташга чақирилсин.

3. Буйруқ барча роталарда, батареялар, эскадрильяларда ва кемаларда эълон қилинсин.

СССР мудофаа министри Совет Иттифоқи Маршали С. СОКОЛОВ.

20 АПРЕЛЬ—КОММУНИСТИК ШАНБАЛИК КУНИ

МЎЛЖАЛ—РЕКОРД НАТИЖА

КОММУНИСТИК шанбалик Олмалиқ кон-металлургия комбинати ишчи-хизматчилари учун ҳақиқий меҳнат байрамига айланади. Комбинат ҳузурида ташкил этилган шанбаликка тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш штаби аъзолари «қизил шанбалик» металлургларнинг хотирасида ана шундай байрам сифатида сақланиб қолиши учун барча чора-тадбирларни кўрмоқдалар.

Шу куни корхонада бир неча минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилади. 300 дан зиёд дастгоҳлар жорий ремонт қилинади. Айни пайтнинг ўзида 160 гектар территорияда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари авжига минади. Кун охиригача минглаб погон метр ариқ-зовурлар тозаланади, 12 минг 200 туп дарахт ва гул кўчатлари ўтказилади.

Шанбаликда иштирок этган ишчилар металлолом тўплашда ҳам рекорд натижага эришадилар. Шу куни бир неча тонна рангли ва қора металл парчалари тўпланади. Иш ҳақининг 22 минг сўми эса ўн биринчи беш йиллик фондига ўтказилади.

КАМИДА ИККИ БАРАВАР

«ШАНБАЛИК куни нормани икки баравардан бажарамиз!»— Олмакентдаги 46-автокорхонанинг илғор шофёрлари зиммаларига шундай мажбуриятлар олишди. Пешқадам ҳайдовчилардан Турғун Содиқов, Александр Воробьев, Зайдулла Умаров ва Абдусоли Йўлдошевлар ана шундай меҳнат марраларини белгилашди. Улар шу куни юк ташиш топшириғини камида икки баравар қилиб бажариб, асосан тежалган ёнилғи асосида ишлашмоқчи.

Умуман корхона коллективи умумхалқ ҳашарида фаол қатнашишга ваъда қилди. Автотранспортчилар коммунистик меҳнат байрамида 110 минг тонна-километр юк ташиш ишларини амалга оширадилар. Кўпчилик йил бошидан бери иқтисод қилинган ёнилғи ва мойлаш материаллари билан меҳнат қилади. Тушган 500 сўмлик иш ҳақи беш йиллик фондига ўтказилади.

А. МУСТАФОЕВ.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА СОЮЗЛАРИ РЕСПУБЛИКА СОВЕТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ХОДИМЛАРИНИНГ 1984 ЙИЛДА ДЕҲҚОНЧИЛИК ВА ЧОРВАЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ ЕТИШТИРИШ ҲАМДА ТАЙЁРЛАШНИ КЎПАЙТИРИШ УЧУН ЎТКАЗИЛГАН РЕСПУБЛИКА СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚАСИНИНГ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Республика қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартияси XX съездининг тарихий қарорларини изчиллик билан амалга ошира бориб, республика социалистик мусобақасига қўшилиб, пахта толаси, лубли экинлар ва сабзавот-полиз экинлари, жун, қоракўл тери, пилла етиштириш ва харид қилишни кўпайтиришга эришдилар. Колхоз ва совхозларнинг моддий-техника базаси мустаҳкамланди.

Сув хўжалиги, тайёрлов ташкилотлари, Госкомсельхозтехниканинг ремонт корхоналари, хўжаликлараро, агросаноат корхоналари ва бирлашмаларининг коллективлари, ўрмон хўжалиги ходимлари каттагина муваффақиятни қўлга киритдилар.

Шу билан бирга бир қанча районлар ва хўжаликлар қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг энг муҳим турлари бўйича планларни уддалай олмадилар. Жамоат чорвачилиги туёғи ва маҳсулдорлиги, чорвачилик маҳсулотлари етиштириш камайди. Маҳсулот етиштиришни кўпайтириш резервларидан етарли даражада фойдаланилмаяпти, машина-механизмлар бекор туриб қолишига, мелиорация қилинган ерлардан самарали фойдаланилмаслигига, унумсиз ҳаражатларга, қишлоқ хўжалик маҳсулоти нобуд бўлишига йўл қўйилаяпти.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон Касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1984 йилги давлат планини муваффақиятли бажариш учун республика социалистик мусобақасида юксак натижаларга эришиш мақсадида ўтказилган республика социалистик мусобақаси якунларини кўриб чиқиб, қуйидагиларни ғолиб деб топдилар ва уларни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон Касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари билан мукофотландилар, Ўзбекистон ССР-халқ хўжалиги ютуқлари виставкасидаги республика Ҳурмат тахтасига ёзилдилар, дипломлар ва пул мукофотлари билан тақдирландилар.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИДАН

Пискент районидаги Я. М. Свердлов номли колхоз;

Оққўрғон районидаги С. Сегизбоев номли совхоз;

Чиноз районидаги Партия XXIV съезди номли совхоз;

Ўзбекистон ССР Госкомсельхозтехникасининг Далварзин ремонт-механика заводи;

Ўзбекистон ССР Госкомводстройига қарашли «Ташкентводстрой» трести;

Ўзбекистон ССР мелиорация ва сув хўжалиги министрлигининг Тошкент область сув хўжалиги ишлаб чиқариш бошқармаси;

ВАСХНИЛ Ўрта Осиё бўлимининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли Ўрта Осиё қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш илмий-тадқиқот институти.

Колхозлар, совхозлар, агросаноат бирлашмалари, хўжаликлараро корхоналар ва ташкилотлар, илмий-тадқиқот муассасалари ва бошқа муассасалар Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг дипломлари ва пул мукофотлари билан тақдирландилар.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИДАН

Ғалаба районидаги Волков номли совхоз;

Янгийўл районидаги «Новомихайловский» совхози;

Оржоникидзе бўрдоқичилик пункти;

«Узгипросельстрой» республика лойиҳа институти;

Ўзбекистон ССР Мевасабзавот хўжалиги министрлигига қарашли Тошкент агро-саноат бирлашмасининг Ғазалкент вино заводи;

«Главсредазирсовхозстрой»нинг «Промстройматериали» трести;

Ўзбекистон ССР Паррандачилик саноати давлат комитетининг Ильич номли паррандачилик ишлаб чиқариш бирлашмаси;

Ўзбекистон ССР тайёрлаш министрлигининг Тошкентдаги 1-тегирмон заводи;

ВАСХНИЛ Ўрта Осиё бўлимининг Ўзбекистон сабзавот-полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институтининг тажриба хўжалиги.

Область ва район партия комитетларига, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига, область ва район ижроия комитетларига, министрликлар, идоралар ва уларнинг жойлардаги органларига, касаба союз ва комсомол ташкилотларига, колхозлар, совхозлар ҳамда бошқа корхоналар ва ташкилотларнинг раҳбарлари ва мутахассисларига 1984 йил якунини чуқур таҳлил этиб, республика социалистик мусобақасининг ғолиби бўлган илғор хўжаликлар, корхоналар, ташкилотлар ва районларнинг тажрибасини умумлаштириш ҳамда кенг ёйиш, бунинг учун радиоэшиттириш, телевидение, матбуотдан ва бошқа оммавий ахборот воситаларидан кенг фойдаланиш, қолоқ хўжаликлар ва корхоналар ишини яхшилаш юзасидан конкрет чоралар белгилаш ва амалга ошириш, ишлаб чиқаришни ривожлантиришни, 1985 йил учун олинган социалистик мажбуриятларни бажаришни жадаллаштиришда уларга мунтазам ёрдам бериш вазифаси топширилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон Касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети республика социалистик мусобақасида ғолиб чиққан колхозчилар, совхоз ишчилари, қишлоқ хўжалиги, бошқа давлат корхоналари ва ташкилотларн раҳбарлари ва мутахассисларини, партия, совет, касаба союз, комсомол, қишлоқ хўжалиги органлари ходимларини қизғин табриклайдилар ва улар КПСС XXVI съезди қарорларини бажара бориб, 1985 йилги планлар ва социалистик мажбуриятларни муваффақиятли якунлаётган совхоз чорвадорлари дастлабки ғалабани қўлга киритдилар. Давлатга гўшт сотиш планлари муддатидан илгари бажарилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон Касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари билан мукофотландилар, Ўзбекистон ССР-халқ хўжалиги ютуқлари виставкасидаги республика Ҳурмат тахтасига ёзилдилар, дипломлар ва пул мукофотлари билан тақдирландилар.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИДАН

Ғалаба районидаги Волков номли совхоз;

Янгийўл районидаги «Новомихайловский» совхози;

Оржоникидзе бўрдоқичилик пункти;

«Узгипросельстрой» республика лойиҳа институти;

Ўзбекистон ССР Мевасабзавот хўжалиги министрлигига қарашли Тошкент агро-саноат бирлашмасининг Ғазалкент вино заводи;

«Главсредазирсовхозстрой»нинг «Промстройматериали» трести;

Ўзбекистон ССР Паррандачилик саноати давлат комитетининг Ильич номли паррандачилик ишлаб чиқариш бирлашмаси;

Ўзбекистон ССР тайёрлаш министрлигининг Тошкентдаги 1-тегирмон заводи;

ВАСХНИЛ Ўрта Осиё бўлимининг Ўзбекистон сабзавот-полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институтининг тажриба хўжалиги.

Область ва район партия комитетларига, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига, область ва район ижроия комитетларига, министрликлар, идоралар ва уларнинг жойлардаги органларига, касаба союз ва комсомол ташкилотларига, колхозлар, совхозлар ҳамда бошқа корхоналар ва ташкилотларнинг раҳбарлари ва мутахассисларига 1984 йил якунини чуқур таҳлил этиб, республика социалистик мусобақасининг ғолиби бўлган илғор хўжаликлар, корхоналар, ташкилотлар ва районларнинг тажрибасини умумлаштириш ҳамда кенг ёйиш, бунинг учун радиоэшиттириш, телевидение, матбуотдан ва бошқа оммавий ахборот воситаларидан кенг фойдаланиш, қолоқ хўжаликлар ва корхоналар ишини яхшилаш юзасидан конкрет чоралар белгилаш ва амалга ошириш, ишлаб чиқаришни ривожлантиришни, 1985 йил учун олинган социалистик мажбуриятларни бажаришни жадаллаштиришда уларга мунтазам ёрдам бериш вазифаси топширилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон Касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети республика социалистик мусобақасида ғолиб чиққан колхозчилар, совхоз ишчилари, қишлоқ хўжалиги, бошқа давлат корхоналари ва ташкилотларн раҳбарлари ва мутахассисларини, партия, совет, касаба союз, комсомол, қишлоқ хўжалиги органлари ходимларини қизғин табриклайдилар ва улар КПСС XXVI съезди қарорларини бажара бориб, 1985 йилги планлар ва социалистик мажбуриятларни муваффақиятли якунлаётган совхоз чорвадорлари дастлабки ғалабани қўлга киритдилар. Давлатга гўшт сотиш планлари муддатидан илгари бажарилди.

ЧИГИТНИ ВАҚТИДА ЭКИБ, ЕРНИНГ НАМИГА ТЎЛА УНДИРИБ ОЛАЙЛИК

ОБЛАСТЬ ПАХТАКОРЛАРИ СОВЕТИНИНГ 1985 ЙИЛДА ЧИГИТ ЭКИШГА ПУХТА ТАЙЁРГАРЛИК КУРИШ ВА ЭРТА МУДДАТЛАРДА ЎЮШҚОҚЛИК БИЛАН ЭКИШ ҲАМДА ЕРНИНГ ТАБИИЙ НАМИГА ТЎЛА ВА ҚИЙҒОС УНДИРИБ ОЛИШ ЮЗАСИДАН

ТАВСИЯЛАРИ

БУТУН совет халқи қатори область қишлоқ меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитетининг 1985 йилги навбатдан ташқари март Пленуми якунларини, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачевнинг шу Пленумда сўзлаган нутқини қизғин кутиб олдилар ва Озиқ-овқат программасини амалга оширишга, пахта ва бошқа деҳқончилик ҳамда чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва давлатга сотишни янада кўпайтиришга азму қарор қилдилар.

Агросаноат комплексини ривожлантириш юзасидан 1985 йил учун қабул қилинган социалистик мажбуриятларнинг муваффақиятли бажарилиши кўпламги экиш мавсумини ўз вақтида сифатли ўтказишга кўп жиҳатдан боғлиқдир. Шу билан бир қаторда бу йил кўпгина хўжаликларда ноқулай об-ҳаво туфайли беда, лавлаги, маккажўхори, сабзавот ҳамда баҳорикор бошоқли дон экинларини экиш ўтган йилдагига нисбатан кечикмоқда.

Чигит экишга ўз вақтида сифатли тайёргарлик кўриш, уруғликни эрта муддатларда уюшқоқлик билан экиб олиш, чигитни ернинг табиий намига тўла ва қийғос ундириб олиш учун область пахтакорлар совети қуйидаги ташкилий-хўжалик ва агротехник тадбирлар комплексини амалга оширишни тавсия этади. Ҳозирги кунда озуқа экинлари, дон ва сабзавот турларини экишни бутун чоралар билан кучайтириб, бу ишларни чигит экиш бошлангунга қадар тугатиш зарур. Ана шунда бутун моддий-техник ва меҳнат ресурсларини чигитни тез ва сифатли экиб олиш учун сафарбар этиш имконига эга бўлинади.

ЕР ВА ТЕХНИКАНИ ЧИГИТ ЭКИШГА ТАЙЁРЛАШ

Майдонларни ва экиш агрегатларини ўз вақтида сифатли тайёрлаш чигитни эрта ва қулай муддатларда экиб олишда ҳал қилувчи роль ўйнайди. Мавжуд барча экиш агрегатларини яна бир марта текшириб чиқиш, уларни чигит қандай схемада экилишига қараб созлаш ва синов тариқасида экиб кўриш шу кунинг муҳим вазифасидир. Ҳар бир агрегат комиссия томонидан қабул қилингандан сўнгина экишга рухсат берилади.

ЧИГИТНИ ЭКИШГА ТАЙЁРЛАШ

Чигитни эрта муддатларда, тўла ва қийғос ундириб олиш, ёш ғўза ниҳолларини турли хил зараркунандалардан ҳамда гоммоз ва илдизчириш каби касалликлардан асраш учун уруғлик чигит экиш олдидан сифатли ивитилади. Уруғликни марказлашган усулда асфальтланган ёки бетонлаштирилган майдонларда устига 6—8 соат давомида брезент ёпиб қўйиб ивитган маъқул. Чигитни ивитиш ва экишга тайёрлашда механизациялаштирилган мосламалардан фойдаланиш тавсия этилади. Чунки бунда уруғликни муҳофаза қилувчи химиявий дорилар ювилиб кетмайди.

Тукли уруғлик чигит икки босқичда намланади: биринчи — бўктиришдан олдин 1 тонна уруққа 350 литргача сув; иккинчи — бўктирилгандан сўнг 1 тонна уруққа кўпи билан 350 литр сув.

Уруғлик чигитни чуқурларда бўктириш қатъий ман этилади. Уруғлик бир кунлик экишга етадиган миқдорда ҳар куни мўлжал билан ивитиб ва қуёш ҳарорати остида қиздириб борилади. Бир гектар ерга экиладиган уруғ миқдори қуйидаги нормадан ошмаслиги керак: туксизлантирилган чигит — 30—35 килограмм. Тукли чигит — қатор ораси 60 сантиметр бўлса 70 килограмм, 90 сантиметр бўлса 60 килограмм. Бу нормалар уруғлик чигитнинг униб чиқиш класси бўйича сифатига қараб мослаштирилаверади. Фентиурам билан дориланган уруғлик ТМТД ва гексохлоран билан қайта ишланмайди.

ВИЛЬТ ЗАРАРИНИ КАМАЙТИРУВЧИ АГРОТЕХНИК ТАДБИРЛАР

Алмашлаб экишни тўла ўзлаштириш асосида деҳқончилик маданиятини юксалтириш пахта етиштиришни кўпайтиришнинг асосий манбаларидан бири ҳисобланади. Шунинг учун ҳам ҳозир ҳамма хўжаликларда чигит алмашлаб экиш схемасига киритилган майдонларга экиладими ёки йўқми, текшириб кўриш керак. Ана шу текширув давомида аввалги йилларда вильт касаллиги пайдо бўлган майдонларга мўлжалланган чигитни бу йил имкони борича беда, канop ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан бўшаган майдонларга экишни тавсия қилиш лозим.

Вильтнинг зарарини камайтиришга қаратилган агротехник тадбирлар комплексининг бажарилиши устидан мунтазам назорат ўрнатиш, шунингдек хўжаликларда минерал ўғитлардан тўғри фойдаланилишини кузатиб бориш муҳимдир. Шу билан бирга органик ўғитлардан кўпроқ фойдаланишга эътибор бериш керак. Ҳамма хўжаликларда ташкил этилган гўнг ва бошқа маҳаллий органик ўғитлар тўплаш билан шуғулланувчи отрядлар ишини жонлантириб юбориш, уларни етарли ишчи кучлари билан, техника воситалари билан таъминлаш лозим. Отряд аъзолари меҳнатига ҳақ тўлашда эса улар эришган кўрсаткичларга асосланиш керак бўлади. Қатор ораларига органик ўғит солувчи мавжуд мосламаларни ремонт қилиш ва янгиларини ясаш ишлари 1 апрелгача тўла тугалланиши зарур.

ЧИГИТНИ ЭКИШГА ТАЙЁРЛАШ

Чигитни эрта муддатларда, тўла ва қийғос ундириб олиш, ёш ғўза ниҳолларини турли хил зараркунандалардан ҳамда гоммоз ва илдизчириш каби касалликлардан асраш учун уруғлик чигит экиш олдидан сифатли ивитилади. Уруғликни марказлашган усулда асфальтланган ёки бетонлаштирилган майдонларда устига 6—8 соат давомида брезент ёпиб қўйиб ивитган маъқул. Чигитни ивитиш ва экишга тайёрлашда механизациялаштирилган мосламалардан фойдаланиш тавсия этилади. Чунки бунда уруғликни муҳофаза қилувчи химиявий дорилар ювилиб кетмайди.

Тукли уруғлик чигит икки босқичда намланади: биринчи — бўктиришдан олдин 1 тонна уруққа 350 литргача сув; иккинчи — бўктирилгандан сўнг 1 тонна уруққа кўпи билан 350 литр сув.

Уруғлик чигитни чуқурларда бўктириш қатъий ман этилади. Уруғлик бир кунлик экишга етадиган миқдорда ҳар куни мўлжал билан ивитиб ва қуёш ҳарорати остида қиздириб борилади. Бир гектар ерга экиладиган уруғ миқдори қуйидаги нормадан ошмаслиги керак: туксизлантирилган чигит — 30—35 килограмм. Тукли чигит — қатор ораси 60 сантиметр бўлса 70 килограмм, 90 сантиметр бўлса 60 килограмм. Бу нормалар уруғлик чигитнинг униб чиқиш класси бўйича сифатига қараб мослаштириладиган. Фентиурам билан дориланган уруғлик ТМТД ва гексохлоран билан қайта ишланмайди.

ЧИГИТ ЭКИШ ПАЙТИДА ИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Яқин кунлар ичида ҳар бир хўжаликда бригадаларга бириктирилган экиш агрегатлари ва уларнинг тажрибали механизаторлар ҳамда экувчилар билан икки сменада ишлай оладиган даражада таъминланганлигини яна бир марта текшириб кўриш керак бўлади. Ҳар бир экиш агрегати учун ажратилган майдон 50—55 гектардан ошмаслиги керак. Ана шунда ҳар бир трактorчи ўзининг сменадоши билан биргаликда уруғликни сифатли қилиб экади ва кейинчалик шу майдондаги ғўзаларга бемалол ишлов бераверади. Ҳар бир экиш агрегатидан кунининг ёриқ пайтида соатли график бўйича юксак унум билан фойдаланиш керак. Шунингдек экиш пайтида трактornинг картага кириш ва чиқиш жойини тўғри белгилаш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Чунки кўчатларнинг бутлиги, гектарларнинг тўлиқлиги худди шунга боғлиқ бўлади. Экишни аввал тупроғи енгил, тез қизийдиган карталардан бошлаб сўнгра оғир тупроқли майдонларга ўтиш керак.

Экиш агрегатларидан юксак унум билан фойдаланиш учун ишчи кучларини бригадалар ўртасида тенг тақсимлаш, агрегатларга уруғлик чигит, минерал ўғит ва гербицид ташиб етказиб бериш билан банд бўлган кишилар ишини аниқ ва тўғри ташкил этиш керак бўлади. Ёнилғи ташувчи машиналар кечаю-кундуз ишлаши, трактorлар бевосита иш жойларида ёнилғи билан таъминланиши лозим. Экиш агрегатлари ва бошқа техника воситаларига хизмат кўрсатиш ҳамда уларни тузатиш асосан тунги сменага кўчирилгани маъқул. Бу ишлар билан кўчма автоустахоналар шуғулланади. Чунки улар эҳтиёт қисмлар, пайвандлаш аппаратлари ва юқори малакали созловчи слесарлар билан таъминланган бўлади.

Техника воситаларидан юксак унум билан фойдаланиш, чигитни эрта ва қисқа муддатларда сифатли экиш, имкони борича кам уруғлик сарфлаш, чигитни ернинг табиий намига тўла ва қийғос ундириб олиш учун социалистик мусобақани ҳамма ерда кенг кўлоч ёйдириш тавсия этилади.

Дала шийпонларини тез кунлар ичида ремонт қилиб бўлиш, жиҳозлаш, дала ишларига жалб этиладиган механизаторлар, колхозчилар ва совхоз ишчиларининг юксак унум билан ишлашлари учун ҳамма шарт-шароитларни яратиб бериш лозим.

ГЕРБИЦИДЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

Чигит экиш бошланишидан аввал гербицидлар полиэтилен халтачаларга жойланиб, ҳар гектар майдонга сепиш учун белгиланган нормада бригадаларга тақсимланади. Бу норма эса об-ҳаво шароитига қараб белгиланади.

Тупроқда намлик юқори бўлса гербицид нормаси қуйидагича тавсия этилади:

қатор ораси 60 сантиметр бўлса — которан гербициди енгил тупроқли майдонларнинг ҳар гектарига 1,1—1,2 килограмм, оғир тупроқли майдонларга 1,3—1,5 килограммдан. Бунда ҳар гектар майдонга 190—200 литр эритилган суюқлик сарфланади;

қатор ораси 90 сантиметр бўлса — которан препарати енгил тупроқли майдонларнинг ҳар гектарига 0,8—0,9 килограмм, оғир тупроқли майдонларга 1,2—1,3 килограмм. Бунда ҳар гектар майдонга 140—150 литр эритилган суюқлик сарфланади;

тупроқдаги намлик камроқ бўлса карталардаги тупроқ шароитининг бир-биридан фарқини ҳисобга олган ҳолда гербицид нормаси 20—25 процент кўпайтирилади. Гербицидларни чанглагич-пуркагич аппаратларининг бакига қуруқ кукун ҳолда солиб ишлатиш қатъий ман этилади. Ҳар сафар бакни тўлдириш олдидан қуруқ кукун ҳолидаги гербициддан озгина сув қўшилган эмульсия тайёрланиб сўнгра у аппарат бакидаги сувга қўшиб аралаштирилади.

Гербицид аралашмаси тайёрлаш учун ҳар бир бригадага аввалдан келтириб қўйилган махсус идишлар, водопровод ёки қудуқ суви бўлиши керак. Ҳамма район ва хўжаликларда бу иш билан шуғулланадиган конкрет кишилар ажратилиб 30 мартгача уларнинг семинар-кўргазмалари ўтказилади. Гербициднинг таъсирини ошириш, шунингдек унинг ғўза ниҳолларига зарари тегмаслиги учун чигит экиш пайтида уни ерга солиш технологиясига жиддий эътибор бериш керак. Чанглагич-пуркагич агрегатларининг ҳаммаси иш бошланишидан анча аввал малакали мутахассислар томонидан яхшилаб созланади. Бунда гербицид аралашмасини сепилиш кенглиги 20—25 сантиметр, агрегат бакларидаги босим эса мунтазам 2,5—3 атмосфера бўлиши керак.

ЧИГИТНИ ЭРТА ЭКИШ АГРОТЕХНИКАСИ

Экишни бошлашдан иккиуч кун аввал майдонлар текширилиб сифат комиссиясининг акти билан бригада бошлиқларидан қабул қилиб олинади.

Тупроқнинг бир кеча-кундуз давомидаги ҳарорати мўътадил кўтарилиб бораётган пайтда, бироқ 10 сантиметр чуқурликдаги ҳарорат 14—15 даражага етгандан сўнггина чигит экишга киришилади. Областимиз хўжаликлари шароитида бу давр апрель ойининг биринчи ўн кунлигига тўғри келади. Пахтадан эртаки ва мўл ҳосил етиштириш ҳар соат ва кундан самарали фойдаланишни талаб этади. Экишни бошлагандан сўнг бирор кунни ҳам беҳуда ўтказмаслик айниқса, муҳимдир. Бу мақсадга эришиш учун ҳар бир бригадада махсус кишилар ажратиб, уларнинг қўлига тупроқ ҳароратини ўлчайдиган асбоб бериб қўйиш керак. Улар бригада майдонларини ҳар куни айланиб тупроқ ҳароратини текшириб борадилар ва мўлжалдаги ҳарорат аниқлангач зудлик билан чигит экишга киришилади.

Асосий вазифа ҳамма ерда чигитни қулай муддатларда, беш-олти иш кунида экиб бўлиш ва уни ернинг табиий намига апрелнинг тўртинчи беш кунлигидан кечикмай тўла ва қийғос ундириб олишдан иборатдир.

Уруғликни белгиланган чуқурликка бир хилда ташлаш унинг тўла ва тез униб чиқишида ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Бу чуқурлик ҳар бир картадаги тупроқнинг намлигига қараб белгиланади.

Ҳамма ерда қаторларнинг тўғрилиги назорат қилиб борилиши керак. Карталарнинг четларига ва тракторлар қайриладиган жойларга чигитни кўндалангига экиш таъқиқланади. Чунки кейинчалик ғўзага ишлов беришда кўчатларнинг кўпи нобуд бўлиб, сийрак бўлиб қолиши мумкин. У ерларга ҳам чигит эгат бўйлаб тўрт қаторга сеялкаларда, кейинги тўрт қаторга эса қўлда экилади ва бир йўла эгат олиб кетилади.

Бизнинг областимиз шароитида, айниқса, бу йил чигит экиш пайтида ёнғингарчиликнинг кўп бўлиши кутиляпти. Бу қатқалоқнинг кучайиши хавфини туғдиради. Шу муносабат билан ҳамма хўжаликларда чигит экишга киришишдан аввал қатқалоқни юмшатишда фойдаланиладиган барча механизмлар ва мосламаларни керакли миқдорда аввалдан тайёрлаб қўйиш лозим.

* * *

Область пахтакорлар совети қатъий ишонч билдирадики, областнинг барча колхозчилари, совхозларнинг ишчилари, қишлоқ хўжалик мутахассислари партия ва совет органлари раҳбарлигида чигитни ўз вақтида ва қисқа муддатларда сифатли қилиб экиб оладилар ва унинг тўла ҳамда қийғос униб чиқишини таъминлайдилар, давлатга пахта сотиш юзасидан 1985 йил учун қабул қилинган социалистик мажбуриятларни қоплайдиган даражада мўл ҳосил етиштирадилар.

БЕБАҲО МЕРОС

1919 йил. Гражданлар уруши давом этмоқда. Ёш Совет республикасида очлик, вайронагарчилик... Лекин худди ана шу оғир вақтда В. И. Ленин босма асарлар билан таъминлаш ва уларни тарқатиш бўйича марказий агентликнинг мудири Б. Малкинга агитация ва пропаганда учун овоз ёзиш техникаси, граммофон пластинкаларидан фойдаланишни топширади. Чунки мамлакат аҳолисининг анчагина қисми саводсиз эди. Босма нашрлар ҳам етишмасди.

«Владимир Ильич, — деб хотирлайди Малкин, — граммофон пропагандасига жуда катта қизиқиш билан қарар ва бу мураккаб, оғир ишни йўлга қўйишда бизга ҳар тарафлама кўмаклашарди». Овоз ёзиб олиш аппаратига Лениннинг 16 та нутқи ёзиб олинган. Улар энг долзарб масалаларга бағишланганди. Бу нутқларнинг номидан ҳам кўриниб турибди: «Меҳнат интизоми ҳақида», «Транспорт учун ишлаш тўғрисида», «Меҳнаткашларни помешчиклар ва капиталистлар зулмидан қандай қилиб абадий ҳалос этиш мумкин», «Бела Кун билан радио орқали сўзлашилганлиги тўғрисида билдириш», «III Коммунистик Интернационал». Биринчи марта Владимир Ильичнинг овози 1919 йил 29 мартда, сўнгги бор — 1921 йил 25 апрелда ёзиб олинган эди.

Фақат 1919—1920 йилларнинг ўзида доҳий нутқлари ёзилган ярим миллиондан кўпроқ пластинка чиқарилди. Бу пластинкалар кейинчалик ҳам чиқарилган эди. Мис матрицалар (пластинкалар улар ёрдамида тайёрланарди) вақт ўтиши билан анча эскирган, шикастланган эди. Ўн беш йилдан сўнг шовқинлар ва бегона товушлар орасида В. И. Ленинниng овозини деярли эшитиб бўлмасди. 1934 йилда грампластинкалар трестининг марказий лабораториясида доҳий жонли нутқини келгуси авлодлар учун сақлаб қолиш мақсадида зарар етган ёзувларни тиклаш бўйича иш бошлаб юборилди.

Энг аввало «микрохирургия» билан шуғулланишга тўғри келди. Ўймакор овоз ёзилган йўлни микроскоп орқали кўздан кечирар ва нотекис жойларни (пластинкадаги излар ҳамма жойда 0,15 миллиметрга яқин доимий кенгликда бўлиши керак) аниқлагач, пўлат ускуна билан ортиқча жойларни кесиб ташларди. Бу жуда мураккаб иш эди. Чунки 3 минутлик нутқ ёзилган пластинка овоз йўлининг узунлиги 100 метрга яқиндир. Унинг бутун ана шу узунлигида шикаст етган юзлаб жойларни тиклаш керак эди.

Бироқ, бу ишнинг бир томони эди, холос. Бу тиклаш ишларидан сўнг ҳам ҳатто сўзлар ўртасидаги жойларда шовқин, бегона товушлар қоларди. Уларни йўқотиш учун махсус яратилган электрон қурилмадан фойдаланилди.

В. И. ЛЕНИН ТУҒИЛГАН ҚУННИНГ 115 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

Ленинниng иккита пластинкадаги нутқи анча тез айтилгандек туюлганди. Ёзув минутига 78 айланиш тезлигида бажарилган ва шу туфайли товуш бузилган деган хавфсираш туғилди. Худди ана шу аппаратда ёзиб олинган мусиқа эшитиб кўрилди. Натижада экспертлар нутқ тегишли тезликда ёзилган, деган хулосага келдилар. Афтидан, В. И. Ленин нутқини 3 минутлик пластинкага сиғдириш учун тезроқ гапирган бўлиши керак.

1938 йилда ўша пайтдаги техника имкониятн даражасида тикланган Ленинниng нутқлари ёзилган иккита пластинка катта тиражлар билан чиқарилди. Уларнинг бирига Владимир Ильичнинг «Қизил Армияга мурожаат» (икки қисмда), иккинчисига «Совет ҳокимияти нима?» ва «Бутунроссия Марказий Ижроия Комитетининг раиси ўртоқ Яков Михайлович Свердловнинг хотираси» нутқлари ёзилган эди.

Бу ишларни давом эттиришга уруш ҳалақит берди. Фақат 1947 йилдагина мутахассислар яна тикланган ва аввал тиклаш имконияти бўлмаган ёзувларга мурожаат қилдилар.

Оригиналларнинг баъзилари шунчалик қийшайган, нотекис бўлиб қолган эдики, нина пластинкалардаги излар ҳамма жойда 0,15 миллиметрга яқин доимий кенгликда бўлиши керак) аниқлагач, пўлат ускуна билан ортиқча жойларни кесиб ташларди. Бу жуда мураккаб иш эди. Чунки 3 минутлик нутқ ёзилган пластинка овоз йўлининг узунлиги 100 метрга яқиндир. Унинг бутун ана шу узунлигида шикаст етган юзлаб жойларни тиклаш керак эди.

Мутахассислар тиклаш натижасида пластинкалардаги овоз В. И. Ленинниng ҳақиқий овозига қанчалик мос эканлигини аниқлаш мақсадида доҳий нутқларини тинглаган кишиларни таклиф этишди. Улардан тикланган ёзувлар вариантларининг қайси бири Ленинниng чинакам овозига яқинлигини аниқлашни илтимос қилдилар. Бунда фикрлар турлича бўлса ёзувнинг бошқа вариантлари (улар ҳаммаси бўлиб 140 та эди) тингланарди. Ниҳоят 1950 йилда Ленинниng олтита нутқи ёзилган қайтадан тикланган учта пластинка чиқарилди.

Уларни абадий сақлаб қолиш мақсадида ўша пайтда матрица ва оригиналларни миснинг ўрнига анча мустаҳкам ва узоқ сақланадиган, зангламайдиган никелдан тайёрлашни йўлга қўйдилар. Оригиналларнинг никелли комплектлари доимий сақлаш учун КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги марксизм-ленинизм институтига топширилди. Бу ерда комплектлар муайян ҳароратва намлик бўлган хоналарда сақланади.

Магнитофонлар, микроёзувлар пайдо бўлиши билан тиклаш ишларини янада мукаммалроқ техникавий даражада амалга ошириш имкониятн туғилди. 1962-1963 йилларда В. И. Ленин нутқлари оригиналлар ва пластинкалардан магнит лентасига қайта ёзилди. Магнит ленталарни бегона товушларни йўқотиш осонроқ. Масалан Ленинниng «Қизил Армияга мурожаат» нутқидан 500 тадан кўпроқ бегона товушни йўқотишга тўғри келди.

Шунингдек, аввал пластинкаларга ёзилган Ленинниng бошқа нутқлари ҳам шу усулда ёзиб олинди. Унинг бир нечта бошқа нутқлари тикланди. Шундан сўнг худди аввал бўлганидек, экспертларни таклиф қилишди. Улар Ленинниng чинакам овози худди мана шу, деган якдил фикрга келгунларига қадар бир неча ёзувларнинг вариантларини тинглашди. Натижада, революция доҳийсининг саккизта нутқи ёзилган катта пластинкалар мамлакатда 800 минг нусҳага яқин тиражда чиқарилди.

Ҳозирча В. И. Ленин нутқлари барча ёзувларини қидириб топиб бўлмади. Қидирув ишлари тўғрисида кўп марта газеталарда ва радио орқали хабар қилинган. Бундан бир неча йил илгари ленинградлик мактаб ўқувчиси Таня Новикова ана шундай радиоэшиттиришни тинглаб, бобосининг эски пластинкаларини кўздан кечириб чиқди. Улар орасида қидирилаётган иккита пластинкани топиб олди! Улар аянчли аҳволда — қийшайган, ейилиб кетган (афтидан уларни кўп марта тинглашган бўлса керак) эди. Пластинкалардан бири эса дарз кетган ҳам эди. Мутахассислар турли катталикдаги олмос ниналар ёрдамида бу нутқларни магнит лентасига қайтадан ёзиб олишди. Бу ишда муайян тажриба тўпланган эди, албатта. Лекин шу пайтгача бунчалик яроқсиз ҳолга келган ёзувга дуч келинмаган эди. Энг янги техника воситаларидан фойдаланилган ҳолда доҳий нутқларини тиклашга муваффақ бўлинди.

В. И. Ленин нутқлари ёзувини тиклаш бўйича олиб борилаётган ишлар баъзи танаффуслар билан қирқ йилдан кўпроқ вақтдан бери давом эттириляпти. Бироқ, ҳали ҳам бу иш ниҳоясига етгани йўқ. Масалан, «Транспорт учун ишлаш тўғрисида» нутқининг иккинчи қисми топилгани йўқ... Бебаҳо меросни қидириш давом этяпти.

С. МИНДЕЛЕВИЧ. (АПН).



◆ СССР 50 йиллиги номли «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасининг ишчиси Фотима Хусеннова ёш бўлсада лекин илғор ишчиларга тенглашиб меҳнат қилмоқда. Айни пайтда у смена топшириқларини 120 процентга етказиб бажариб графикдан анча илгарилаб кетди. Суратда: Ф. Хусеннова иш устида.

М. Нуриддинов фотоси.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ПОЧТАСИДАН

МАНЗУРАНИНГ КЎРСАТКИЧЛАРИ

Манзура Умаралиеванинг «Ғунча» тикувчилик фабрикасига ишга келганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Лекин у ҳалол меҳнати эвазига тезда коллектив орасида ҳурмат қозонди, илғорлар сафидан ўрин олди.

Ўтган — 1984 йил М. Умаралиеванинг ёдидан чиқмайдиган бўлди. Чунки у шу йили коммунистик партия сафига қабул қилинди. Ўн биринчи беш йиллик планини муддатидан бир йил аввал ошириб бажарди.

Буюк Ғалабанинг 40 йиллиги шарафига зўр ғайрат билан меҳнат қилаётган ёш коммунист айни кунда 1986 йилнинг февраль ойи ҳисобига маҳсулот топшира бошлади. Ҳар ойда пландаги 5500 та ўрнига 10000 донага етказиб болалар кўйлаги тикишга эришяпти.

М. ҲАЙДАРОВ,
Паркент райони.

ИШЧИ АЁЛЛАР ШАРОИТИ НАЗОРАТДА

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ область Советининг соғлиқни сақлаш ва социал таъминот ҳамда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш доимий комиссиялари яқинда Олмалиқ шаҳар саноат корхоналаридаги шароит билан танишиб чиқдилар. Маълум бўлишича корхоналарнинг маъмурияти, партия ва касаба союз ташкилотлари ишчи аёлларнинг меҳнат ва маиший шароитларини яхшилаш масалалари билан мунтазам шуғулланмоқда. Қонун томонидан таъқиқланганидек, оғир ва соғлиқ учун зарарли иш участкаларида аёллар меҳнат қилмайди. Улар аппаратчи, сотувчи, контролёр, флотатор, тўқувчи, электр монтёр, ўлчовчи, силлиқловчи, нормаловчи, слесарь, оператор, диспетчер, мастер каби енгил касб ва лавозимда ишламоқдалар. Ҳақиқий иш куни ва иш соатидан ташқари пайтларда аёлларни ишга жалб этиш фақат касаба союз ташкилотининг розилиги ва қатъий назорати остида бўлади.

Деярли ҳамма корхоналарда ҳомиладор (ёки бемор) аёллар врачнинг кўрсатмасига асосан енгил ишга ўтказилади ва аввалги иш ҳақининг ўртача миқдори сақлаб қолинади. Бир ярим ёшга тўлмаган боласи бор аёлларга ойлик маоши сақланмаган отпуска берилади ва маълум миқдорда нафақа тўланади. Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг айрим корхоналарида ишлаётган ёш болали аёллар қисқартирилган иш куни тўғрисидаги имтиёздан фойдаланадилар.

Бир қатор саноат корхоналарида аёллар соғлиғини муҳофаза қилиш ва меҳнат қавфсизлигини таъминлаш мақсадида маиший-санитария хоналари ташкил этилган. Медицинага оид турли мавзуларда тез-тез лекциялар уюштириб турилади.

Мис саралаш фабрикаси ва химия заводида аёллар сартарошхонаси очиб қўйилган. Қалмоққир кони ва геология-қидирув экспедициясида ишлаётган аёллар корхонанинг ўзида истаган кийим-кечакларига буюртма берсалар, рўзғор химияси заводи аёллари хоҳлаган кийимларини шу ернинг ўзида тиктирадилар. Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг мис эритиш заводи, мис саралаш фабрикаси, рух заводида маиший хизмат корхоналарининг комплекс қабул пунктлари ишлаб турипти. Химия заводи, гилам фабрикаси, рўзғор химияси заводи ва мебель комбинатида меҳнат қилаётган аёллар иш вақти тугагандан сўнг корхонада очиб қўйилган озиқ-овқат ва саноат моллари магазинларига кириб, кундалик рўзғор учун зарур маҳсулотларни харид қилиб олаверадилар.

ДОИМИЙ КОМИССИЯЛАР ФАОЛИЯТИДАН

Шаҳардаги ҳамма саноат корхоналарида медицина пунктлари ишлаб турипти. Уларга аёллар консультациясининг участка акушер-гинекологлари ва бошқа касалликлар бўйича мутахассис врачлар бириктириб қўйилган.

Кўпгина йирик саноат корхоналарида ишчи аёлларнинг яхши дам олиб ҳордиқ чиқаришларига ҳам жиддий эътибор берилади. Меҳнат отпускаси пайтида аёллар учун дам олиш уйларига, санаторий ва профилакторийларга йўлланмалар ажратилади. Масалан, кон-металлургия комбинати, «Алмалиқсвинец с т р о й» трести, химия заводи профилакторийлари ёз ойларида фақат шу корхонада ишлаётганларнинг оналари ва болаларининг дам олиб ҳордиқ чиқаришлари учун хизмат қилади. Кон-металлургия комбинати 600 ўринли 2 та, химия заводи эса худди шундай битта пионер лагери ҳамда бир қатор болалар боғча ва ясли лариға эга. Болалар муассасаларининг иш режими аёллар учун қулай вақтга мослаштирилган.

Йирик саноат корхоналарида меҳнат қилаётган аёллар учун қулай иш шароити ва кўнгилли дам олиш имконияти яратиб берилганини меҳнат унумдорлигининг ошишига, иш вақтининг бекўда йўқотилишининг камайишига, меҳнат интизоми мустаҳкамланиб, кадрлар қўнимсизлигининг камайишига олиб келмоқда. Бироқ, доимий комиссия текширувлари давомида шу нарса маълум бўлдики, шаҳар корхоналарида аёллар учун қулай иш ва маиший шароит яратиб бериш соҳасидаги мавжуд имкониятлардан ҳали тўла фойдаланилаётгани йўқ. Жумладан, 6-ғишт заводи ва автомобиль ремонти заводида аёлларга маиший хизмат кўрсатиш мутлақо йўлга қўйилмаган. Мебель комбинати, рўзғор химияси заводи каби йирик корхоналарда ҳанузгача санаторий-профилактор и й йўқ. Қўрғошин саралаш фабрикасида, марказий ремонт-механика ва нон заводларида шу пайтгача комплекс қабул пунктлари очилмаган. Айрим корхоналардаги санитария-маиший хизмат хоналари ўз вақтида очилмайди ёки бошқа мақсадларда фойдаланилади.

Халқ депутатлари шаҳар Совети ижроия комитети, доимий комиссиялар меҳнат тўғрисидаги қонунларга амал қилиниши, аёллар меҳнатини енгиллаштириш ва вақтларини тежашга қаратилган тадбирларнинг бажарилиши устидан назоратни кучайтиришлари керак. Саноат корхоналарида кўпроқ аёлларнинг уй-рўзғор юмушларини енгиллаштирувчи моллар билан савдо қилинса, маиший хизмат, айниқса кир ювиш, кийимкечакларни химиявий тозалаш турлари ҳажми кўпайса, ишлаб чиқариш кўрсаткичларига ижобий таъсир кўрсатарди, албатта.

Шаҳар Советининг соғлиқни сақлаш ва социал таъминот, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича доимий комиссиялари корхона ва ташкилотлардаги болалар муассасалари иш режимини, савдо ва умумий овқатланишни ташкил этишни ўз назоратлари остига олсалар бу соҳада йўл қўйилаётган камчилик ва нуқсонлар тезроқ бартараф этилади, янги-янги резерв ва имкониятлар излаб топилиб, ишга туширилади.

А. ЙЎЛДОШЕВ.

ТАННАРХ КАМАЙМОҚДА

ШАҒАЛ майдалаш-саралаш фабрикаси Коммунистик районидаги илғор корхоналардан ҳисобланади. Фабрика ишчи-хизматчилари районда йил сайин кенгайиб бораётган турли қурилишларга қимматли бинокорлик материаллари — асфальт, қум, шағал етказиб бермоқдалар. Улар буюртмаларни вақтида бажаришга астойдил ҳаракат қилишяпти. Шу мақсадда ишлаб чиқариш жараёнларини такомиллаштириш, янги техника воситаларини жорий қилиш, меҳнатни ташкил этишни яхшилашга қаратилган кўплаб тадбирларни амалга оширмоқдалар. Бу ўз самарасини бермоқда.

Фабрика ишчилари ўн биринчи беш йилликнинг тўртинчи йилини кўнгилдагидек якунладилар. Маҳсулот ҳажми 2,8 процент оширилиб, меҳнат унумдорлиги 21,3 процент юксалди. Айниқса, маҳсулот таннархини арзонлаштиришда яхши натижалар қўлга киритилди. Йил давомида таннархни 0,5 процент камайтиришга аҳд қилган коллектив уни деярли 3,5 баравар зиёдаси билан уддалади.

Коллектив КПССнинг навбатдаги XXVII съезди, Улуғ Ватан урушидаги Ғалабанинг 40 йиллиги ва стахановчилик ҳаракатининг 50 йиллигини муносиб нишонлаш юзасидан бошланган социалистик мусобақада фаол қатнашмоқда. Шунинг учун ҳам якунловчи йилнинг ўтган икки ойлик топшириғи асосий техник-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича тўла ва зиёдаси билан бажарилди. Шу даврда пландагига қўшимча етти минг сўмлик маҳсулот реализация қилинди. Корхона коллективи март ойида ҳам топшириқларни кун сайин тўла ва ошириб бажармоқда.

А. ҒУЛОМОВ.

ТАЙЁР БЎЛИБ ТУРИБДИ

● ХАЛҚИМИЗДА иш қуролинг соз бўлса машаққатинг оз бўлур, деган нақл бор. Бунга тўла амал қилаётган Ўрта Чирчиқ районидаги Охунбобоев номли колхоз деҳқонлари мавжуд техника воситаларини мавсумга сифатли тайёрлаб қўйдилар.

Бу хўжаликда ҳар йили машина ва механизмлар дала ишларидан бўшагач, дарҳол ремонт қилишга киришилади. Шунинг учун ҳам улар донмо ишга шай ҳолда туради. Бу барча агротехник тадбирларни бажаришда — экишдан тортиб ҳосил йиғиштириб олингунча улардан юксак унум билан фойдаланиш имконини беради. Колхозда техникалар ремонтини сифат комиссияси аъзолари назорат қилиб борадилар. Яқинда комиссия ремонтдан чиқарилган техникаларни яна бир бор синовдан ўтказиб, қабул қилиб олди. Суратда: тайёр техникалар.

А. Абалян фотоси.





ЧОРВАЧИЛИК—ЗАРБДОР ФРОНТ

ҲАР КИМНИНГ ЎЗ УЛУШИ БОР

ТОШКЕНТ РАЙОНИДАГИ КАРЛ МАРКС НОМЛИ КОЛХОЗ ЧОРВАДОРЛАРИНИНГ МАҲСУЛОТ ЕТИШТИРИШНИ КЎПАЙТИРИШ СОҲАСИДАГИ ИШ ТАЖРИБАСИДАН

БУ ХЎЖАЛИКДА чорвачилик фермаси қурилиб, фойдаланишга топширилганига қирқ йилдан ошиб кетди. Табиийки, бино анча эскириб қолган. Ҳозирги замон талабларига тўла жавоб бермайди. Аслида 550 бошга мўлжалланган бу фермада ҳозирги пайтда 800 дан ортиқ қорамол боқилмоқда. Тўғри, колхозда янги чорвачилик комплекси барпо этилмоқда. Лекин унинг ишга туширилишига ҳали анча вақт бор. Шунга қарамай хўжалик чорвадорлари ҳеч вақт, биномиз нобопроқ, деб нолимайдилар, аксинча, мавжуд имкониятлардан, ички резервлардан оқилона фойдаланиш, зооветеринария қоидаларига изчил амал қилиш эвазига ҳар йили мўл-кўл маҳсулот етиштириб келмоқдалар. Масалан, ўтган йили давлатга 921,7 тонна сут, 115 тонна гўшт, 116 минг дона тухум топширилди, бу борада белгиланган планлар анча ортиғи билан бажарилди.

Хўжаликда бошқа соҳаларда ҳам катта муваффақиятлар қўлга киритилди. Эл дастурхонига 12 минг тонна сабзавот, 1 минг 880 тонна картошка, 630 тонна узум тортиқ қилинди. Шунга кўра, колхоз Бутуниттифоқ социалистик мусобақаси ғолиби, деб топилди ҳамда КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи билан мукофотланиб, СССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасининг Бутуниттифоқ ҳурмат тахтасига ёзилди.

Хўш, хўжалик меҳнаткашлари, хусусан, чорвадорлар эришаётган ютуқларининг бош омили нимада?

Бу саволга жавобни биз фермада ишлаётган чорвадорлардан ҳам, раҳбарлардан ҳам эшитдик. Ҳаммаларининг фикрича, ҳозирги кунда ишлаб чиқаришда ҳал қилувчи роль ўйнаётган омил — ҳар кимнинг ўз улушини, ўз вазифаларига қанчалик масъулият билан қарашига, сидқидилдан ишлашига боғлиқ. Лекин масаланинг яна иккита муҳим томони бор. Аниқроғи — ҳалол меҳнат қилсанг-у, шунга яраша даромад ололмасанг, ёки яхши даромад олсанг-у, меҳнатинг ўз вақтида маънавий рағбатлантирилиб, қадр-қимматини топмаса, бу ҳам адолатдан бўлмайди. Мамнуният билан айтиш лозимки, хўжалигимизда бу борада ибратли ишлар қилинмоқда. Қишлов даврида меҳнат унумдорлигини ошириш, социалистик мусобақани авж олдириш, оммавий-сиёсий ишларни тўғри ташкил этиш ҳамда ташаббусга кенг йўл очиш юзасидан колхоз правлениеси ва партия ташкилоти аниқ тадбирларни ишлаб чиқдилар. Шунга кўра хўжалик активлари ва мутахассислари мунтазам равишда тунда фермада навбатчилик қилишяпти. Ҳар куни бир марта чорвадорларимиз билан 20 минутлик йиғилиш ўтказилмоқда. Унда кундалик кўрсаткичда энг юқори натижага эришган соғувчи ва молбоқарларнинг иш тажрибалари ўрганилиб, меҳнат унумдорлигини оширишга доир тавсиялар берилмоқда. Бизда бундай оилалар анчагина. Чунончи, илғор соғувчимиз Тожи Мирзаевнинг турмуш ўртоғи Асад Мирзаев молбоқар бўлиб ишлайди, жиянлари Нодира ва Муаттар Алимовалар эса соғувчилик қилишади. Тажрибали соғувчи София Боршова ҳам ўз касбини қизларига қунт билан ўргатди. Эндиликда Тамара билан Катя оналари ёнида меҳнат қилиб, юқори кўрсаткичларга эришяптилар. Онахоннинг куёви Улуғбек Одилов ҳам ўз бахтини шу ерда деб билди. Ҳозир у илғор молбоқарлар сафидан ўрин олган.

Колхозимиз меҳнаткашлари яна бир соғувчимиз — Фарида Аъзамовани ҳам тадбиркор аёл сифатида ҳурмат билан тилга олишади. Чунки у доимо турмуш ўртоғи — молбоқар Ориф Мирзалиев билан бамаслаҳат иш юритиб, ўз план-топшириқларини ортиғи билан адо этиб келмоқда. Кези келганда, синглиси Забиҳага йўл-йўриқлар кўрсатиб турибди.

Мен ҳам ўз оиламиз аъзолари билан фахрлансам арзийди. Ўғлим — Бахтиёр молбоқар, келиним Маҳбуба ва қизим Гулчеҳралар шу фермада соғувчи бўлиб ишлашяпти. Биз ҳамиша бир-биримизнинг ишимизни кузатиб борамиз. Биттамиз эришган ютуқдан ҳаммамиз бирдек қувонамиз, биттамиз йўл қўйган хато-нуқсондан эса ҳаммамиз бирдек изтиробга тушамиз. Бор-ди-ю, бирортамиз қийналиб қолсак, бошқамиз сидқидилдан ёрдам берамиз.

> **Мен ўтган йили оиламиз аъзоларининг катта ёрдами туфайли ўз қарамоғимдаги соғин сигирларнинг ҳар биридан 4300 килограммга яқин сут соғиб олдим. Оилавий звено бўлиб ишлаётган бошқа ҳамкасбларим эса бундан ҳам юқорироқ кўрсаткичларни қўлга киритдилар.**

* * *

ФЕРМА коллективининг иш тажрибасидан кўриниб турибдики, чорвачиликни ривожлантириш учун, аввало, ҳалол меҳнат қилиш, мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш, илғорлар тажрибасини кенг ёйиш керак. Шу билан бир қаторда ҳамкорликни, ташаббускорликни янада авж олдириш лозим. Хўжалик чорвадорлари ўтган йиллар давомида шу асосда иш юритиб катта ютуқларни қўлга киритиб келдилар. Бу йил эса Ғалабанинг 40 йиллиги ва КПСС XXVII съезди шарафига бошланган социалистик мусобақага яқдиллик билан қўшилиб, давлатга 920 тонна сут, 78 тонна гўшт ва 85 минг дона тухум етказиб беришга аҳд қилганлар. Бу марралар эгалланишига шак-шубҳа йўқ. Чунки чорвадорларнинг шу кунларда амалга ошираётган ишлари ана шу мақсадга мувофиқ бўлмоқда.

А. ҲАЙДАРОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

ТАЖРИБАДА СИНАЛДИ

Санобар ИСМАТОВА,
сут соғувчи.

Бир сигирдан камида 4 минг килограмм сут соғиб олиш учун унинг вазни 400 килограммдан ортиқ бўлиши керак. Бундан ташқари сигир биринчи ва иккинчи туғишдан кўра учинчи ва тўртинчи туғишда кўпроқ сут беради, сўнгра табиий равишда унинг маҳсулдорлиги камаяди.

> **Зеро, шундай экан, аввало қора моллар зотини яхшилаш, қари сигирлар ўрнини ёш, сермаҳсул ғунажинлар билан тўлдириш ҳамда уларни қатъий рацион асосида парваришлашни йўлга қўйиш лозим. Бу ишнинг дебочаси эса насл олишдан бошланади. Фермамизда бунга изчил амал қилинмоқда. Сигирлар зотини яхшилаш, сунъий қочириш ишларини олиб бориш бўйича аниқ ҳисоб-китоб юритилмоқда. Биз айниқса, бўғоз сигирлар парваришига эътиборни тубдан кучайтирганмиз. Маълумки, бўғозликнинг етинчи-саккизинчи ойларида сигир қорнидаги бузоқ тез ривожланади, оғирлиги икки баравар ошади. Шунинг учун фермамиздаги бўғоз сигирларни 20 бошдан қилиб группаларга ажратиб соғувчиларга бириктириб қўйганмиз.**

Соғувчилар ғунажинлар туққунга қадар уларнинг елинини массаж қилиб, соғишга кўникма ҳосил қилиб борадилар. Бу даврда уларга бўғоз сигирларни парваришлашга нисбатан бирмунча кўп — 135 тонна сут, пландаги 30 тонна ўрнига 50 тонна гўшт сотишга муваффақ бўлдилар. Гўштга топширилган бўрдоқиларнинг ўртача тирик вазни 430 килограммданга тўғри келди. Айни вақтда бironта ҳам янги туғилган бузоқ нобуд бўлмади.

ТАЖРИБАДА СИНАЛДИ

Санобар ИСМАТОВА,
сут соғувчи.

Бир сигирдан камида 4 минг килограмм сут соғиб олиш учун унинг вазни 400 килограммдан ортиқ бўлиши керак. Бундан ташқари сигир биринчи ва иккинчи туғишдан кўра учинчи ва тўртинчи туғишда кўпроқ сут беради, сўнгра табиий равишда унинг маҳсулдорлиги камаяди.

> **Зеро, шундай экан, аввало қора моллар зотини яхшилаш, қари сигирлар ўрнини ёш, сермаҳсул ғунажинлар билан тўлдириш ҳамда уларни қатъий рацион асосида парваришлашни йўлга қўйиш лозим. Бу ишнинг дебочаси эса насл олишдан бошланади. Фермамизда бунга изчил амал қилинмоқда. Сигирлар зотини яхшилаш, сунъий қочириш ишларини олиб бориш бўйича аниқ ҳисоб-китоб юритилмоқда. Биз айниқса, бўғоз сигирлар парваришига эътиборни тубдан кучайтирганмиз. Маълумки, бўғозликнинг етинчи-саккизинчи ойларида сигир қорнидаги бузоқ тез ривожланади, оғирлиги икки баравар ошади. Шунинг учун фермамиздаги бўғоз сигирларни 20 бошдан қилиб группаларга ажратиб соғувчиларга бириктириб қўйганмиз.**

Соғувчилар ғунажинлар туққунга қадар уларнинг елинини массаж қилиб, соғишга кўникма ҳосил қилиб борадилар. Бу даврда уларга бўғоз сигирларни парваришлашга нисбатан бирмунча кўп — 135 тонна сут, пландаги 30 тонна ўрнига 50 тонна гўшт сотишга муваффақ бўлдилар. Гўштга топширилган бўрдоқиларнинг ўртача тирик вазни 430 килограммданга тўғри келди. Айни вақтда бironта ҳам янги туғилган бузоқ нобуд бўлмади.

ТАЙЁРГАРЛИК ЭРТА БОШЛАНАДИ

Абдураҳим ФАЙЗИЕВ,
ферма мудири.

Таъбир жоиз бўлса, мен фермамиз коллективини катта оила аъзоларига, бошқа соҳаларда меҳнат қилаётган кишиларни эса меҳр-оқибатли қўниқўшниларига ўхшатгим келади. Боиси — уларнинг ёрдами туфайли биз ҳар йили мўл-кўл маҳсулот етиштиряпмиз. Бу ҳамкорлик, айниқса, чорвадорлар учун синов даври ҳисобланган қиш фаслида жуда қўл келади. Ҳар йили ҳам қишловга ҳозирлик кўришда биз ем-хашакчилик бригадалари аъзолари билан бамаслаҳат энг аввало озуқа базасини мустаҳкамлашга катта эътибор берамиз.

> **Ўтган йили шу мақсадда 2 минг 811 тонна силос, 1 минг 362 тонна сенаж, 101 тонна сомон, 288 тонна беда пичани, 50 тонна беда уни жамғардик. Қишлов даврида вақтдан ютиш, исрофгарчиликка ва ортиқча сарфхаражатларга чек қўйиш мақсадида ем-хашакнинг асосий қисмини ферма ҳовлисига ва ён-атрофга ғарамладик. Бундан ташқари куз бошидаёқ молхоналарни кўздан кечириб, озуқа цехини, сунъий қочириш пунктини ва чорвадорлар уйини сифатли ремонтдан чиқардик. Сўнгра иссиқлик линияларини, охурларга илиқ сув етказиб берувчи водопровод тармоқларини ҳамда бошқа техник воситаларни бир неча бор ишлатиб кўриб, синовдан ўтказдик.**

Амалга оширилган бу ишлар устма-уст қор ёғиб, совуқ авжига чиққан аёзли кунларда ўз самарасини берди. Ҳозирги кунларда биз 80 бош ёш бузоқ, 250 бош ғунажин, 40 бош тана ва 302 бош соғин сигирни қишдан соғлом, беталофат олиб чиқаяпмиз. Чунки қорамолларни қатъий рацион асосида, озуқа цехида майдаланиб, буғлантирилган аралашма билан боқаяпмиз. Ҳар бош соғин сигирга суткасига берилаётган аралашма таркибида 25 килограмм силос, 10 килограмм сенаж, 25 килограмм барда, 5 килограмм пичан, 3 килограмм омухта ем, 5 килограмм сомон бор. Бўрдоқилар эса суткасига 10 килограмм силос, шунча миқдордаги сенаж, 9 килограмм хашак, 4 килограмм омухта ем билан озиқлантириляпти. Натижада сигирларимиз маҳсулдорлиги ортиб, бўрдоқиларнинг этига-эт қўшилмоқда. Коллективимиз йил бошидан буён давлатга ўтган йилнинг шу даврдагиганликлари учун 90 сўм маош ва соғиб олинган ҳар килограмм сут учун 5 тийиндан ҳақ бериб борилади. Биринчи туққан ғунажинларни маълум давргача мутлақо аппаратда соғмаймиз, кунига уч маҳал қўлда соғилади. Чунки дастлабки ойларда ёш сигирларнинг елини кичик бўлади, аппаратларга тўғри келмайди. Аппарат қўлланилса, уларнинг елини эластиклик хусусиятларига эга бўлмаганлиги сабабли мастит касаллигига чалиниши мумкин.

Соғувчиларимиз аппаратларни ишлатишдан олдин, албатта, сигир елинини қўл билан ийдириб, оз миқдордаги сутни соғиб ташлайдилар. Шундай қилинганда, биринчидан, мастит касаллигининг олди олинади, иккинчидан соғин бошланғунга қадар елин учларида тўпланиб, микроблар билан зарарланган сут маҳсулот сифатини бузмайди. Аппаратда соғиб бўлгач, соғувчиларимиз елинда қолган охирги сутни ҳам қўлда соғиб оладилар. Чунки бу сут таркибида ёғ миқдори кўп бўлади.

Шу тариқа иш юритаётганлигимиз сабабли биз ўтган йили ҳар бош соғин сигирдан ўртача 4090 килограммдан сут соғиб олдик. Ҳозирги кунларда эса ҳар бош соғин сигирдан соғиб олинаётган сут миқдори 9—10 килограммданга тўғри келмоқда.

МЕҲНАТГА ЯРАША РАҒБАТ

Маҳмуд АҲМЕДОВ,
молбоқар.

— ҲАР қандай меҳнат ва унинг самараси шу касб эгаларининг ўз вазифаларига қанчалик масъулият билан қарашига, сидқидилдан ишлашига боғлиқ. Лекин масаланинг яна иккита муҳим томони бор. Аниқроғи — ҳалол меҳнат қилсанг-у, шунга яраша даромад ололмасанг, ёки яхши даромад олсанг-у, меҳнатинг ўз вақтида маънавий рағбатлантирилиб, қадр-қимматини топмаса, бу ҳам адолатдан бўлмайди. Мамнуният билан айтиш лозимки, хўжалигимизда бу борада ибратли ишлар қилинмоқда. Қишлов даврида меҳнат унумдорлигини ошириш, социалистик мусобақани авж олдириш, оммавий-сиёсий ишларни тўғри ташкил этиш ҳамда ташаббусга кенг йўл очиш юзасидан колхоз правлениеси ва партия ташкилоти аниқ тадбирларни ишлаб чиқдилар. Шунга кўра хўжалик активлари ва мутахассислари мунтазам равишда тунда фермада навбатчилик қилишяпти. Ҳар куни бир марта чорвадорларимиз билан 20 минутлик йиғилиш ўтказилмоқда. Унда кундалик кўрсаткичда энг юқори натижага эришган соғувчи ва молбоқарларнинг иш тажрибалари ўрганилиб, меҳнат унумдорлигини оширишга доир тавсиялар берилмоқда. Бизда бундай оилалар анчагина. Чунончи, илғор соғувчимиз Тожи Мирзаевнинг турмуш ўртоғи Асад Мирзаев молбоқар бўлиб ишлайди, жиянлари Нодира ва Муаттар Алимовалар эса соғувчилик қилишади. Тажрибали соғувчи София Боршова ҳам ўз касбини қизларига қунт билан ўргатди. Эндиликда Тамара билан Катя оналари ёнида меҳнат қилиб, юқори кўрсаткичларга эришяптилар. Онахоннинг куёви Улуғбек Одилов ҳам ўз бахтини шу ерда деб билди. Ҳозир у илғор молбоқарлар сафидан ўрин олган.

Колхозимиз меҳнаткашлари яна бир соғувчимиз — Фарида Аъзамовани ҳам тадбиркор аёл сифатида ҳурмат билан тилга олишади. Чунки у доимо турмуш ўртоғи — молбоқар Ориф Мирзалиев билан бамаслаҳат иш юритиб, ўз план-топшириқларини ортиғи билан адо этиб келмоқда. Кези келганда, синглиси Забиҳага йўл-йўриқлар кўрсатиб турибди.

Мен ҳам ўз оиламиз аъзолари билан фахрлансам арзийди. Ўғлим — Бахтиёр молбоқар, келиним Маҳбуба ва қизим Гулчеҳралар шу фермада соғувчи бўлиб ишлашяпти. Биз ҳамиша бир-биримизнинг ишимизни кузатиб борамиз. Биттамиз эришган ютуқдан ҳаммамиз бирдек қувонамиз, биттамиз йўл қўйган хато-нуқсондан эса ҳаммамиз бирдек изтиробга тушамиз. Бор-ди-ю, бирортамиз қийналиб қолсак, бошқамиз сидқидилдан ёрдам берамиз.

> **Мен ўтган йили оиламиз аъзоларининг катта ёрдами туфайли ўз қарамоғимдаги соғин сигирларнинг ҳар биридан 4300 килограммга яқин сут соғиб олдим. Оилавий звено бўлиб ишлаётган бошқа ҳамкасбларим эса бундан ҳам юқорироқ кўрсаткичларни қўлга киритдилар.**

* * *

ФЕРМА коллективининг иш тажрибасидан кўриниб турибдики, чорвачиликни ривожлантириш учун, аввало, ҳалол меҳнат қилиш, мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш, илғорлар тажрибасини кенг ёйиш керак. Шу билан бир қаторда ҳамкорликни, ташаббускорликни янада авж олдириш лозим. Хўжалик чорвадорлари ўтган йиллар давомида шу асосда иш юритиб катта ютуқларни қўлга киритиб келдилар. Бу йил эса Ғалабанинг 40 йиллиги ва КПСС XXVII съезди шарафига бошланган социалистик мусобақага яқдиллик билан қўшилиб, давлатга 920 тонна сут, 78 тонна гўшт ва 85 минг дона тухум етказиб беришга аҳд қилганлар. Бу марралар эгалланишига шак-шубҳа йўқ. Чунки чорвадорларнинг шу кунларда амалга ошираётган ишлари ана шу мақсадга мувофиқ бўлмоқда.

А. ҲАЙДАРОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

БИР-БИРИГА МАДАДКОР

Мавжуда ҲОЖИМУРОДОВА,
сут соғувчи

— КОЛЛЕКТИВИМИЗДА қувончли ютуқларнинг қўлга киритилишида оила пудрати асосида ишлаётган звеноларнинг ҳиссалари ҳам катта

БУТУНИТТИФОҚ СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚАСИ ҒОЛИБЛАРИ

ХАЛҚАРО АҲВОЛ

ХИТОЙ КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ҚАРОРИ

ПЕКИН, 27 март. (ТАСС). Хитой матбуотида Хитой Компартияси Марказий Комитетининг XXРда фан ва техника соҳасини бошқариш системасини ислоҳ қилиш тўғрисидаги қарори эълон қилинди. Қарорда ислоҳотдан мақсад фан-техника ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этишни жадаллаштиришдан иборат эканлиги айтилади. Қарорда таъкидланганидек, умуман модернизациялаш программасини амалга ошириш шунга боғлиқдир. Фан ва техника ривожланишини бошқаришнинг ҳозирги системасида жиддий нуқсонлар мавжудлиги таъкидлаб ўтилади. Шу жиддий нуқсонларни бартараф этиш учун илмий-тадқиқот ишларини маблағ билан таъминлаш тартибини ўзгартириш, илмий муассасалар, олий ўқув юртлари ва корхоналар куч-ғайратини бирлаштиришга кўмаклашиш, илмий ходим кадрларидан оқилона фойдаланиш учун шарт-шароит вужудга келтириш, иқтисодий омиллардан фойдаланиш лозим.

Қарорда, жумладан, техника ютуқлари «билим тарзида мавжуд бўлган мустақил товар»га айланиб қолаётганлиги ва шунинг учун «ягона социалистик товар бозори»нинг ажралмас қисми сифатида техника бозорини вужудга келтириш зарурлиги уқтирилади. «Бу эса, — дейилади ҳужжатда, — нуқул маъмурий тадбирлар билан амалга оширилаётган техника ютуқларини бепул топшириш практикасидан воз кечиб, уларни ишлаб чиқариш соҳасида ўтишини енгиллаштириш имконини беради».

НОРОЗИЛИК НАМОЙИШИ ТАРҚАТИБ ЮБОРИЛДИ

ДАМАШҚ. Иордан дарёси ғарбий соҳилидаги Жэнин шаҳрида Исроил оккупациясига қарши кўп минг кишилик норозилик намойиши бўлиб ўтди. Намойиш қатнашчилари Исроилнинг босиб олинган араб территорияларидан чиқиб кетишини ҳамда Тель-Авив раҳбарлари туб араб аҳолисига нисбатан қирғинчилик сиёсатини тўхтатишни талаб қилган шиорлар ва транспарантларни кўтариб бордилар. (ТАСС).

МАРКАЗИЙ АМЕРИКА ПРОБЛЕМАЛАРИ МУҲОКАМА ЭТИЛМОҚДА

МЕХИКО. Бу ерга расмий визит билан келган Аргентина президенти Рауль Альфонсин Мексика президенти Мигель де Ла Мадрид билан музокаралар олиб борди. Бу ерда тарқатилган хабарда қайд этилишича, иккала давлат бошлиқлари Контадор группасининг Марказий Америкадаги тангликни адолатли бартараф этишга қаратилган фаолиятини қўллаб-қувватлаб фикр билдирдилар. (ТАСС).

АМЕРИКА ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРИ БИЛАН БЎЛГАН ВОҚЕАГА ДОИР

24 март якшанба куни кундуз соат 16 га яқин Германияда совет қўшинлари группасининг Людвигслуст шаҳри районида (Шверин округи) ёпиқ ҳарбий объект территориясида ҳарбий техника омборини қўриқлаб турган совет соқчиси ниқобловчи костюм кийиб олган номаълум кимсани пайқаб қолди. Бу кимса ўша омборга яширинча суқулиб кирган ва деразасини очиб уни фотосуратга олган.

Соқчи ҳарбий уставга қатъиян мувофиқ равишда ҳаракат қилиб, номаълум кимсанинг тўхташини рус ва немис тилларида талаб қилган. У бўйсунмасдан яширинишга уринганида соқчи огоҳлантириб осмонга ўқ узган. Тартиб-қоидани бузган одам шундан кейин ҳам тўхтамаганлиги сабабли соқчи қурол ишлатишга мажбур бўлган. Қоидани бузган киши отилган ўқ билан ўлдирилган.

Аниқланишича, бузғунчи Америка алоқа ҳарбий мисиясининг ходими майор А. Николсон экан. У штаб-сержант Д. Шатц билан бирга автомашинада ҳарбий объект территориясига кириб келган. Ҳолбуки у ерда рус ва немис тилларида ёзилган, яқ-қол кўриниб турган огоҳлантирувчи белгилар бор эди. Николсон жосуслик операциясини ўтказаётган пайтда Шатц машина ичида қолиб, Николсонни пана қилиб турган. Уни совет ҳарбий хизматчилари қўлга туширдилар.

Шундай қилиб, Америка ҳарбий хизматчиларининг мазкур разведка ҳаракатлари 1947 йилнинг 3 апрелида алоқа ҳарбий миссиялари тўғрисида тузилган битимни қўпол равишда бузишдан иборатдир. Ана шу битим асосида АҚШнинг миссияси Потсдамда иш кўриб келмоқда. Битимнинг 10-моддасига мувофиқ миссияларнинг аъзоларига «қўшин қисмлари турган жойларга» бориш тақиқланади.

Америка ҳарбий хизматчилари илгари ҳам ҳуқуқтартиботга зид шундай ишлар қилишган эди. Чунончи, 1982 йилнинг августида Рорбек аҳоли пункти районидаги (Потсдам округи) ёпиқ зонада ҳарбий разведка билан шуғулланган АҚШ миссиясининг ходимларини ушлашга уриниш чоғида улар Совет Армияси офицерини қасддан босиб кетиб, уни оғир жароҳатлантирган эдилар.

Совет томони шу хилдаги ҳаракатлар нўвоғарликдан иборат ва хатарли эканлигига АҚШ расмий вакилларининг эътиборини неча марталаб жалб қилган эди. 24 март куни бўлган воқеа фожиали тугаганлиги таассуфга лойиқдир, бироқ бунинг учун бутун жавобгарлик ҳозир воқеани мутлақо ёлғон талқин этаётган Америка томони зиммасига тушади.

Америка алоқа миссияси ходимларининг ушбу разведка мақсадидаги иши муносабати билан СССРнинг Вашингтондаги элчихонаси ўзига берилган топшириққа мувофиқ АҚШ давлат департаментига қатъий норозилик билдирди ва алоқа ҳарбий миссиялари тўғрисидаги 1947 йилги битимни қатъий бажариш юзасидан зарур чоралар кўришишини Америка томонидан талаб қилди.

(ТАСС).



● ЎТГАН йили Франциядa ишсизлар сони 13 процентга кўпайиб, 2,5 миллион кишига етди. Мамлакат экономикасидаги кризис «ортиқча кишилар»ни кўпайтиряпти. Касаба союзлар даъватига кўра Франция меҳнаткашлари иш жойлари қисқартирилишига қарши норозиликларини билдириш учун кўчаларга чиқмоқдалар. Мюлуза шаҳрида тўқимачилик фабрикалари учун машина-ускуналар ишлаб чиқарадиган йирик фирма ишчиларининг оммавий намойиши бўлиб ўтди. Бу фирмада ҳозирги пайтда 740 ишчини ишдан бўшатиш мўлжалланяпти. «Юманите» газетасидан олинган ушбу суратда Мюлуза шаҳрида ўтказилган намойиш тасвирланган.

ТАСС фотохроникаси.

ИРҚЧИЛАРНИНГ ЯНГИ ЖИНОЯТЛАРИ

МАПУТУ. ЖАРда жиноий апартеид системасига қарши оммавий намойишлар тўхтамаяпти. Кейинтаундан олинган хабарларга кўра, Кап вилоятидаги африкаликлар яшайдиган Кванабухла ва Экангала посёлкаларида хавфсизлик кучлари намойишчиларга ҳужум қилиб, ўт очиш қуролини ва кўздан ёш оқизадиган газни ишга солдилар. Уч киши ўлдирилди, кўплаб киши жароҳатланди. Трансвааль вилоятида Лесли, Мамелоди, Себокенгдаги ғалаёнлар чоғида олти киши ҳалок бўлди. (ТАСС).

ЯНГИ АВТОБАЗА ҚУРИЛМОҚДА

ПОЙТАХТДАГИ Ҳ. Турсунқулов кўчаси ёқасида жойлашган янги автобаза қурилиши тугай деб қолди. Шу йилнинг декабрь ойига қадар объект қурилиши поёнига етказилиб, Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси автобазасининг барча колонналари шу ерга кўчиб ўтиши назарда тутилган. Шу муносабат билан янги автохўжалик территорияси кенгайтирилмоқда, қўшимча боксlar, ремонт участкалари, машиналар турадиган усти берк майдончалар ташкил этилмоқда.

Беш гектар майдонни эгаллайдиган бу автобаза бир неча юз автомашинани ўзига сиғдирибгина қолмай, уларга барча турдаги техник хизмат кўрсатиш ҳам назарда тутилган. Бу йирик автохўжалик қурилиши ҳақида автобаза директорининг ўринбосари Дониёр Эшмуҳамедов шундай деди:

— Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш Бош бошқармаси муассасаларига хизмат кўрсатадиган автомашиналар бугунга қадар пойтахтнинг турли районларида жойлашган колонналарда сақланар эди. Бунинг оқибатида муайян қийинчиликлар, муаммолар юзага келарди. Ҳамма гап шундаки, кичик колонналарда турли хилдаги техник хизмат кўрсатиш турларини йўлга қўйиш молиявий жиҳатдан ҳам мақсадга мувофиқ эмас. Шу боисдан ҳар бир колонна у ёки бу соҳа хизмати бўйича ихтисослаштирилиб, бошқа колонна машиналарига ҳам техник хизмат кўрсатар эди. Гарчанд бу усул бир мунча мақсадга мувофиқ бўлсада, лекин автомашиналар ортиқча юришининг кўпайиб кетишига, ёнилғи-мойлаш материалларининг кўпроқ сарфланишига сабаб бўлар-ди. Ана шундан сўнг барча колонналарни ягона базага бирлаштириш ғояси туғилди.

Автобазамизга қарашли 34 хилдаги 600 дан зиёд транспорт воситалари мавжуд. Шуни ҳисобга олиб, Акмал Икромов райони территориясидан 5 гектар майдон ажратилди. 1982 йилда «Промгражданстрой» трестининг 3-кўчма механизациялашган колоннаси азаматлари қурилишни яхши олиб бордилар. Йил давомида бунёдкорлар пландаги 52 минг сўмлик ўрнига 109 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишди. Шундан сўнг ишлар юришиб кетди.

Бугунги кунда корпуслар, қурилмалар, боксlар, техник хизмат кўрсатиш хоналари қад ростлади. Ана шу ишлар асосан ишчи-хизматчиларимизнинг билак кучи билан, ташаббуси туфайли юзага келганлигини алоҳида таъкидлаш керак.

Қурилиш ишларининг аксарият кўпчилик қисми хўжалик методи асосида амалга оширилди. Бундан ташқари шанбаликлар, якшанбаликларда автобазамиз шофёрлари ўз корхоналарининг ҳақиқий жонкуяри эканликларини кўрсатдилар. Бугунга келиб, ўз кучимиз билан амалга оширган жами ишларимиз кўламини ҳисоблаб чиқа олмаймиз. Лекин бу муҳими эмас. Ҳамма гап шундаки, эндиликда автобаза қурилиши учун тегишли ташкилотлар капитал маблағ ажратсалар айни муддао бўлур эди. Шундагина йил охирига бориб, 600 та транспорт воситасига мўлжалланган автобазани қуриш ва кенгайтириш планли тарзда давом эттишига ишонч ҳосил қилиш мумкин.

М. МИРАЛИМОВ.



УМРНИНГ ШОНЛИ САҲИФАЛАРИ

Қаҳрамонлар орамизда

Ҳикоя қилмоқчи бўлган қаҳрамонимизнинг таржимаи ҳоли бошқаларники каби оддий. У Тюмень областининг Ярков районидаги Тархан қишлоғидан Совет Армияси сафига чақирилди. Солдатлик қасамёдини қабул қилганига ҳали бир ой ҳам ўтмаган эдики, уруш бошланиб қолди. Волга бўйида тузилган 246-ўқчи дивизия билан жангга кирди. Орадан кўп ўтмай уни катта лейтенант Н. Ярашчук командирлигидаги разведка ротасига олишди. Бу ерда Анвар Калиев ўзи каби бақувват, абжир йигитлар билан махсус тайёргарликдан ўтди. Кейин дивизия разведкачилари қатори унга ҳам жанговар топшириқ берилди. Вазифа муҳим эди. Урушнинг дастлабки ойларида Калинин областида мудофаа истеҳкомларини қурган душман кучини, техникасини аниқлаш зарур бўларди.

Разведкачилар белгиланган маршрутлар бўйлаб қўмондонлик топшириқларини бажаришга киришишди. Тун ярмидан ошганда Анвар қуролдош дўсти К. Лякушев билан биргаликда немис офицерини асир олиб келди. «Тил» штабда анчагина маълумотлар берди. Ўша тунда 15 разведкачидан 7 нафари қайтди, холос. Дивизия қўмондони Анвар Калиевнинг жасоратини, биринчи дадил қадамини саф олдида қайд этди ва унга ташаккур эълон қилди. Бу мардлик учун Анвар Қизил Юлдуз ордени билан, унинг қуролдош ўртоғи эса Биринчи даражали Ватан уруши ордени билан тақдирландилар. Кейинчалик ҳар иккала разведкачи Смоленск, Курск, Киев шаҳарларини фашистлардан озод этишда бир неча бор мардлик кўрсатдилар.

— Урушда солдат жасорат ҳақида ўйламайди,— дейди А. Калиев,— у буйруқни ва ўз бурчини ҳалол бажаришга интилади. Шу жараёнда мардлик кўрсатганлигини ўзи сезмайди ҳам. Разведкачи аввало довюрак, қўрқмас бўлиши керак. Чунки у душман ичида иш олиб боради ва ҳар сонияда фалокатга дуч келиши мумкин. Лекин ҳар қандай жангчи каби разведкачи ҳам фақат топшириқни бажариш, муваффақиятни таъминлаш ишончи билан яшайди.

Днепр бўйларида олиб борилган шиддатли жангларда ана шу ишонч Анвар ва унинг дўсти ҳаётини катта шуҳратга буркади. Қўмондонлик томонидан уларга дарёдан кечиб ўтиб душман жойлашган нариги соҳилдаги аҳвол ҳақида аниқ маълумот билиб келиш топширилди. Тун совуқ эди. Унинг устига душман пулеметлари ўз позициясини тез-тез ўзгартиргани ҳолда «сайраб» қолар, онда-сонда отилган ракеталар сув сатҳини ёритиб вазифани бажаришга халақит қиларди.

Сибирь дарёларида ёзинқишин чўмилиб, қорларида чиниққан Анвар жангчи ўртоғи билан буйруқни бажаришга киришди. Улар нариги соҳилга душман солдати кийимини олиб ўтишди. Қайта кийиниб олишгач, ўз формаларини дарахт тагига яшириб тепаликка эмаклаб чиқишди. Кейин Анвар қулоқ тутиб, овоз келаётган томонни аниқлади. К. Лякушев ҳам буни тасдиқлагач, улар шу тарафга ,эмаклаб кетишди. Сал илгарироқ зўрбазўр қулоққа чалинаётган товуш эндиликда баралла эшитилар эди.

— Блиндажда ҳужум бошлаш пайти ҳақида баҳс бўлаяпти,— деди Константин шивирлаб Анварга,—демак офицерлар.

Анвар улардан биттасини албатта нариги қирғоққа олиб ўтиш кераклигини айтиб дўстига қаради. У чарм тасмасига осилган ҳанжарини пайпаслаб қўйди.

— Соқчини сен йўқотасан,— деди К. Лякушев Анварга,— мен ичкарига пистолет ва гранатани шайлаган ҳолда кираман. Ортимданоқ сен ҳам кириб борасан.

Анвар бир неча операцияларда соқчини осонгина тинчитганлиги учун ўртоғи бу ҳақда ишонч билан гапирарди. А. Калиев дўстининг таклифига бош қимирлатиб рози бўлди. У ер бағирлаб блиндажга яқинлашди. Соқчи сергак эди. У худди шарпани сезгандай, қоматини бироз ростлаб атрофга аланглай бошлади. Лекин орадан ҳеч қанча ўтмай бўйнига ҳалқа бўлган Анварнинг темир билагида бир-икки силкиниб қўя юмди. Қолган жараён К. Лякушев айтгандай бўлди.

Ҳар иккала жангчи гитлерчи полковникни тутиб келишганини дивизия штабида кейин билишди. Днепрдаги жасорати учун орадан кўп ўтмай жасур разведкачилар кўксини Совет Иттифоқи Қаҳрамони Олтин Юлдузи безади.

— Лекин дўстимга Ғалаба кунини кўриш насиб қилмади,— дейди Анвар Калиев ачиниш билан.

Довюрак қуролдош дўсти унинг ҳаётида ҳақиқатда унутилмас из қолдирганди. Умр йўлдоши Элсуяр опа билан таништириб қўйган ҳам ўша эди. Кунларнинг бирида иккала қаҳрамон дивизияда чиқиб турган «За честь Родини» редакциясига келишади. Бу ерда Элсуяр ҳарф терувчи бўлиб ишлар экан. К. Лякушев Анвар ва Элсуярни урушдан кейин тўйларига бош-қош бўлишини айтган эди. Аммо Анвар навбатдаги разведкадан қайтиб келган 1944 йилнинг кузида дўстини бошқа кўролмади. У Львов учун бўлган жангда топшириқ билан кетатуриб бомбардимон остида қолибди.

Анвар Калиев урушдан кейин Элсуяр опа билан бирга Ўзбекистонга келди. Тошкентда, Сирдарё областида яшашди. Бу орада Анвар Ғалаба районидаги балиқчилик хўжалигидан ўзи ёқтирган муносиб ишни танлади. Шу жойда 22 йил фидокорона меҳнат қилди.

А. Калиев ҳозир пенсияда. Ҳар йили Ватанимиз пойтахти Москвада қуролдош дўстлари, командирлари билан учрашиб туради. 1980 йилнинг февралидаги учрашув ҳам жуда мароқли ўтди. У дивизиядошлари билан суратга тушди. Кўрғончa қишлоғига қайтгач, бир ҳафта ўтмай суратни ҳам олди. Унинг орқасига қуйидаги сўзлар ёзилган эди:

«Совет Иттифоқи Қаҳрамони, 246-дивизиянинг довюрак разведкачиси, уруш йилларида 33 «тил»ни ушлаган Ватан ўғлони Калиев Анварга.

Генерал майор В. К. Никитиндан, Москва шаҳри, 1980 йил 26 февраль».

Бу сўзлар ҳамкоримизга руҳ бағишлади. Ў Ватан, халқ бахти учун фидокорона курашганлиги, суронли йилларда умрининг шонли саҳифасини яратганлиги билан қувонади.

С. ҲАСАНОВ.



ВЕТЕРАН ШИФОКОР

1929 йили врачлик касбини эгаллаган Анна Ивановна Сентарева Далварзин чўлига комсомол йўлланмаси билан ишга отланди. Чўлда уч йил ишлаб, Тошкентга келди. Ўзбекистон гематология илмий-текшириш институтининг клиникасида физиотерапевт врач бўлиб ишлай бошлади. У қаерда ишламасин ҳалол меҳнатидан обрў қозонди.

— Анна Ивановнанинг ўз касбига меҳр қўйганлигини унинг номига келган сон-саноқсиз ташаккурномалардан ҳам билиш мумкин,— дейди Тошкент шаҳар физиотерапия поликлиникасининг бош врачи Ҳамида Абдуллаева.

Бу йил кекса врачнинг меҳнат фаолиятига 55 йил, туғилган кунига 80 йил тўлди. У қатор орден ва медаллар нишондори, жуда кўплаб ёшларнинг меҳрибон мураббийси.

А. НОСИРОВА.

СУРАТДА: ветеран врач Анна Ивановна Сентарева.

Э. Ботиров фотоси.

Реклама ва эълонлар

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИ КОНТОРАСИ

1985 ИИЛНИНГ I КВАРТАЛИДА ОЛИНГАН БУЮРТМА ФИЛЬМЛАРНИ

ТАВСИЯ ЭТАДИ

МД-12 хандақсиз дреж ётқизғич.
Хоразм областининг қумлоқ ерларини ўзлаштириш.
Мелиорация қурилишида портлаш энергиясидан фойдаланиш.
Меҳнатни ташкил этиш типовой лойиҳалари амалда (Рига ВЭФ ишлаб чиқариш бирлашмаси тажрибаси).
Рангли металлургияда энергияни тежовчи янги технологик жараёнлар.
Автотранспорт двигателларининг эскирган деталларини тиклаш.
Рулда—автоҳаваскор.
Иссиқлик электр станцияларида ёқилғи ва электр қувватини тежашнинг самарали тадбирлари.
Химия саноатида меҳнатни муҳофаза қилиш системаси.
Кўмир саноатида кон-қутқарув хизматини ташкил этиш.
Бутун йил мобайнида олиб бориладиган мелиорация қурилиши.
Автомобилларга техника хизмати кўрсатиш станцияларида қўл меҳнатини механизациялаш.
НК-8-2У двигателидан фавқулодда ҳолларда фойдаланиш.
Кондесатни қайтариш.
Ҳимоя бор.
Биз йўлдамиз.
Нефть-химияда статик электр ҳодисаларига қарши кураш.
Кон чиқитларини тутиб туришнинг янги мустаҳкамловчилари ва услублари.
АЭС поток қурилиши.
КХУ-4 ғўза культиваторн.
Минерал ўғитлар ишлаб чиқаришда меҳнат муҳофазаси.
Саломатлик ўз қўлингизда.
Баланд қаватли биноларни ёнғиндан сақлаш.
Телевизор ва ёнғин.
Лойиҳа ишларини автоматлаштириш.
Автомобиль йўлларининг соқчилари.
Иририк иссиқлик электр станцияларининг қозон қурилмаларидан фойдаланиш.
Аккумулятор батареяларини монтаж қилиш ва улардан фойдаланишда техника хавфсизлиги.
Пайвандлаш конструкциялари ишлаб чиқаришини механизациялаш ва автоматлаштириш.
Ўрим оралиғи унификация қилинган цепсиз узатиш системали комбайнлар.
Нефть-газ қурилиши министрлигининг бош йўналишида: иш ва одам.
Мебель саноатида самарадорлик резервлари.

ҲУРМАТЛИ ТОШКЕНТЛИКЛАР ВА ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ!
ЎЗБЕКИСТОН ССР АҲОЛИГА МАИШИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ МИНИСТРЛИГИ
сизларни
Москва Модалар уйида тайёрланган
1985-86 йиллар мавсуми
ЯНГИ МОДЕЛЛИ ЛИБОСЛАРНИНГ
ТЕАТРЛАШТИРИЛГАН НАМОЙИШИГА

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Программани Модалар уйининг бош раҳбари В. М. ЗАЙЦЕВ олиб боради.
Либослар намойиши Марказий «Юбилей» спорт залида 1985 йил 11 — 14 апрель кунлари ўтказилади.
Томошалар ҳар куни соат 17.00 ва 20.00 да бошланади.
Билетлар Марказий «Юбилей» спорт зали кассаларида 29 март соат 11.00 дан 19.00 гача, 11 апрель соат 12.00 дан 20.00 гача сотилади.
КОЛЛЕКТИВ БЎЛИБ КЎРИШ УЧУН БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНМОҚДА.
Маълумотларни билиш учун телефонлар: 46-03_12, 46_70-31 касса, 46_07_53, 46-68-77 — администратор.

Театр

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 29/III да Кузнинг биринчи куни (12.00), Ўғрини қароқчи урди (19.30), 30/III да Бой ила хизматчи (12.00), Бой ила хизматчи (19.30).

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — Мактаб ўқувчиларининг баҳорги каникул кунларида «Саҳнада москваликлар» (10.30, 13, 16, 19.00).

«ЧЕВАР ҚИЗ»— БОЛАЛАР ОПЕРАСИ

Кейинги йилларда республикамизда болалар мусиқаси кенг ривож топа бошлади. Саҳналаримизда болалар операларининг муваффақиятли намойиш этилиши ҳам қувончли бир воқеадир. Бундан бир неча йил аввал Самарқанд Давлат опера ва балет театри болаларнинг биринчи опера асарини саҳналаштирган эди. Атоқли композитор Собир Бобоев томонидан маҳорат билан яратилган «Ёрилтош» асари Ҳамза номидаги республика Давлат мукофотига сазовор бўлган эди.

Яқин орада эса композитор Матниёз Юсуповнинг «Чевар қиз» номли болалар операси ҳам саҳна юзини кўради. Мазкур операда болалар ҳаётининг муҳим томонлари жозибали музика воситалари орқали тараннум этилган.

С. ОДИЛОВА.

Бола тарбияси ҳақида суҳбатлар

ҲАМКОРЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАЙЛИК

ОИЛАДА фарзанд туғилди. У билан бирга хонадонга қувонч, шодлик ва бахт кириб келди. Қўни-қўшнилар, ёру-биродарлар, қариндош-уруғлар оилани янги меҳмон билан табриклашди, гўдакнинг қадами қутлуғ келган бўлсин деб, самимий тилаклар билдиришди.

Бу яхши одат, албатта. Лекин гўдакнинг улар истагандек инсон бўлиб вояга етиши учун орзу-умидларнинг ўзигина кифоя қилмайди. Балки оиладаги муҳим, ота-она муносабати, бола ўқийдиган мактабдаги ўқувтарбия ишларининг савияси ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Болаларнинг ҳулқи-одоби, аввало, оилада шакллана бошлайди. Чунки уларда ўзидан катталарга, хусусан, ота-онасига тақлид қилиш кучли бўлади. Демак, оиладаги катталар ўзаро муносабатда, муомалада, юриш-туришда болаларга намуна бўлишлари керак.

Собир ака билан Салима опанинг турмуш қуришганига анча бўлди. Улар шаҳримизнинг Ҳамза кўчасида истиқомат қилишади. Собир ака — шофёр. Салима опа эса бадиий буюмлар фабрикасида илгор ишчи. Эр-хотин аҳил яшаб, олти фарзандни тарбиялаб вояга етказдилар. Улар бир-бирига меҳрибон, одобли, меҳнаткаш, ҳуллас, ҳавас қилса арзийдиган бўлиб ўсишди. Ота-она фарзандларига ҳар томонлама ўрнак бўлиб, ўз бурчларини адо этишди. Шунинг учун ҳам бутун маҳалла аҳли уларнинг номини ҳурмат билан тилга олишади, бошқаларга намуна қилиб кўрсатишади.

Ҳаким ота билан Ҳури холалар оиласи ҳам Сағбон кўчасидаги ўнлаб бахтиёр оилалардан бири. Улуғ Ватан уруши қатнашчиси Ҳаким ота бир корхонада 60 йил ҳалол ишлаб, катта обрў-ҳурмат топди. Бу табаррук хонадонда 9 фарзанд ва ўнлаб набира, чевара-эваралар вояга етди. Ўз фарзандларига яхши тарбия бериб, уларни эл-юрт қаторига қўшган ота-онадан ҳамма минатдор. Чунки уларнинг болалари жамиятимиз учун чинакамига жон куйдирадиган фойдали кишилар қаторидан жой олиб, турли соҳаларда ҳалол меҳнат қилмоқдалар.

Яхши фарзанд ота-онага раҳмат келтиради, оила шаънини улуғлайди, Аммо афсуски, фарзандларининг ана шундай қобил бўлиб камол топиши, энг аввало, ўзларининг хатти-ҳаракатларига боғлиқ эканлигини тушунмайдиган ёки тушуниб туриб, амал қилмайдиган ота-оналар ҳам йўқ эмас. Улар ортиқча орзу-ҳавасга, кибру-ҳавога берилишиб, фарзандларини нимани истаса, шуни муҳайё қиладилар. Болаларининг ўқиши, юриш-туриши, хулқи-одоби, ўртоқлари ким эканлиги билан мутлақо қизиқмайдилар. Пировард натижада эса қилган ишларидан пушаймон бўлишади. Лекин аллақачон ғишт қолипидан кўчиб, улар энди кеч қолган бўладилар.

— Чин совет кишисини тарбиялаш осон иш эмас. Лекин бу вазифа икки коллектив — мактаб ва оиланинг дўстона ҳамкорлигида бажариладиган вазифадир,— деган эди атоқли педагог А. Макаренко. Дарҳақиқат, ана шу ҳамкорлик қанчалик мустаҳкамланса, болалар тарбиясида шунчалик самарага эришамиз.

СССР Конституциясининг 66-моддасида шундай дейилади: «СССР граждонлари болаларни тарбиялаш тўғрисида ғамхўрлик қилиши, уларни ижтимоий-фойдали меҳнатга тайёрлаши, социалистик жамиятнинг муносиб аъзолари қилиб ўстириши шарт». Ёшларда меҳнатга муҳаббат ҳиссини уйғотиш, уларни жамоат бахт-саодати, халқ манфаати йўлида фидойи кишилар қилиб тарбиялаш ҳар бир ота-онанинг, тарбиячи-мураббийлар н и н г ва кенг жамоатчиликнинг энг муҳим вазифасидир.

Ф. НУРИДДИНОВ,
Ўзбекистон ССР халқ маорифи аълочиси, пенсионер.

СПОРТ

ФУТБОЛ

Усмон Юсупов хотира-совғини учун ўтказилаётган мусобақалар яна ҳам қизғин тус олди. Халқободнинг «Соҳибкор», Хоразмнинг «Хонқа» командалари айниқса чиройли ўйинлар кўрсатиб мухлисларнинг олқишига сазовор бўлаяпти. Соҳибкорчилар навбатдаги учрашувда Жиззахнинг «Звезда» коллективини 3:2 ҳисобида мағлубиятга учратдилар. Қолган ўйинларда қуйидаги натижалар қайд этилди: «Ёшлик» (Тўрақўрғон) — «Целинник» (Тўрткўл) — 0:1, «Пахтакор» — «Хонқа» — 0:0.

«Соҳибкор» 7 очко билан пешқадамлик қилмоқда.

ШАХМАТ

Тошкентда аёллар ўртасида Ўзбекистон чемпионати ўтказилди. Чирчиқлик И. Сафаргалиева ажойиб маҳорат кўрсатди. У 6,5 очко жамғариб чемпионлик шарафига муяссар бўлди. Тошкентлик О. Ким иккинчи, самарқандлик М. Ҳамроқулова учинчи ўринни эгаллади.

ТЕННИС

Пойтахтимизда теннис бўйича Ўзбекистон кубоги мусобақалари якунланди. Унда 72 нафар кучли спортчи иштирок этди. Эркаклар ва аёллар ўртасидаги баҳсларда «Динамо» республика кўнгилли спорт жамиятининг иккала командаси кубокни қўлга киритишга муяссар бўлди.

БАЙДАРКА ВА КАНОЭ

Самарқандда байдарка ва каноэда эшкак эшиш бўйича Ўзбекистон шахсий-команда чемпионати ўтказилди. Унда «Меҳнат» кўнгилли спорт жамияти аъзолари 1985 йил чемпионни бўлдилар. Динамочилар иккинчи ўринни эгаллашди.

Редактор
Н. НАСИМОВ.

ТВ

БУГУН

МОСКВА I. 9.00 — «Время». 9.40 — Биз билан бирга, худди бизлек, бизлан ҳам яхшироқ бажар. 10.40 — «Баҳор» Бадиий фильм. 12.25 — Биз билан зерикмайсиз. Телеспектакль. 4-серия. 13.05 — Бадиий ҳаваскорлик ижодиёти Бутуниттифоқ конкурси. 13.25 — Мультфильм. 13.35 — Илмий-оммабоп фильм. 13.45 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 15.55 — Рус тили. 16.25 Киноочерк. 16.45 — Ҳамма нарсани билишни истайман. 16.55 Келажакдан келган меҳмон. Бадиий фильм. 5-серия. 18.00 — Телефильм. 18.15 — Китоб ҳафталиги. 18.45 — Ҳамдўстлик. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Инсон ва қонун. 20.00 — Концерт. 20.20 — «Ғалаба стратегияси». 4-фильм. 21.30 — «Время». 22.05 — Кинопанорама. 23.50 — Дунё воқеалари.

МОСКВА II. 9.00 — Гимнастика. 9.15 — «Хавфли бурилиш» Бадиий фильм. 3-серия. 10.25 — Телефильм. 10.45 —16 ёшгача ва ундан катталар. 11.30 — Халқ куйлари. 11.45— Краснодар телестудиясининг программаси. 12.45 —Едингдами ўртоқ. 13.45 — «Сўнгги имконият» Бадиий фильм. 15.05 — Инглиз тили. 15.35— Телефильм. 16.05 ва 18.30— Янгиликлар. 18.50 — Ўқитувчига музика сабоғи. 19.45 — Ритмик гимнастика. 20.15 — Ёзги вақтга ўтиш ҳақида 20.30 — Ҳайрли тун, кичкинтойлар. 20.45 — Инсон. Ер. Коинот. 21.30 — «Время». 22.05 — Салют, фестиваль.

ТОШКЕНТ I. 10.00 — Ахборот 10.20 —«Тиманчининг дўсти». Бадиий фильм. 11.30 — Телефильм. 12.00 — Китоб — офтоб. 12.30 ва 18.00 — Янгиликлар. 18.15 — Усмир ва қонун. 18.45 — Адабий альманах. 19.30 —Ахборот. 19.45 — Боғбонлар ва соҳибкорларнинг шу кунги муҳим вазифалари. 20.00 — Дунё воқеалари. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Жангларда янграган қўшиқлар. 21.30 — «Время». 22.05 — Партия турмуши. 22.35 — «Улкан, қисқа умр». Бадиий фильм. 23.50 — Янгиликлар.

ТОШКЕНТ II. 9.00 — 16.10 — Москва II. 18.20 — Телефильм. 18.50 — Реклама. 19.00 — Ёшлик. 19.30 —Ҳужжатли фильмлар. 20.00 — Тошкент янгиликлари. 20.20 — Ким бўлсам экан. 20.50 — Телефильм. 21.00 — Қишлоқ қаҳрамонлари. 21.20 — Ҳужжатли фильм. 21.30 — Москва II.



◆ М. ТУРҒУНБОЕВА номидаги Ўзбекистон ССР Давлат хизмат кўрсатган «Баҳор» халқ рақс ансамблининг солисти Учқун Алимуҳамедов Москвада ўтказиладиган ёшлар ва студентларнинг XII жаҳон фестивалида бир гуруҳ санъаткорлар сафида ўзбек совет музика санъати шарафини ҳимоя қилади. Шу кунларда истеъдодли дорирчи мазкур анжуманда намойиш этиш учун янги программа тайёрламоқда. Суратда: У. Алимуҳамедов.

А. Рисқиев фотоси.

(ЎзТАГ).

ЯНГИ БОҒЛАР УЧУН

Бу йил Ўзбекистонда мева дарахтларининг еттита янги нави районлаштирилди. Бу навлар орасида академик Р. Р. Шредер номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг олимлари яратган беҳининг «Ароматная» нави бор. Бу нав гектар бошига қарийб 340 центнер ғоят хушхўр мева йиғиштириб олиш имконини берди.

Янги навлар орасида анорнинг «Дессертний» (ундан гектар бошига 54 центнер ҳосил олиш мумкин) ва мевали дарахтларнинг бошқа навлари бор.

(ЎзТАГ).

ЁПИҚ МАЙДОНЛАРДА ҚЎЗИҚОРИН

Ўзбекистон сабзавот-полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институтида ишлаб чиқилган технология йил бўйи мўл қўзиқорин ҳосили йиғиштириб олиш имконини беради. Олимлар бинолар ичида қўзиқорин етиштиришда майдаланган сомон, алебастр, бўр, аммиак селитраси ва суперфосфатдан иборат тупроқни қўлланишни таклиф этдилар. Бундай тупроқ ҳар бир квадрат метр ердан беш килограммгача қўзиқорин йиғиштириб олиш имконини беради.

(ЎзТАГ мухбири).

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
/ "Ташкентская правда"/
ОРГАН ТАШКЕНТСКОГО ОБКОМА КОММУНИСТИЧЕСКОЙ ПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА И ОБЛАСТНОГО СОВЕТА НАРОДНЫХ ДЕПУТАТОВ

БИЗНИНГ АДРЕС: 700047, ТОШКЕНТ ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32

Редактор қабулхонаси—325351; редактор ўринбосарлари—335885; 325747, 337916, 325748; масъул секретарь—334808, 325353; секретариат—325750. БЎЛИМЛАР: партия турмуши—325778; саноат, капитал қурилиш ва транспорт—325749; қишлоқ хўжалиги—325647; пропаганда—325556; совет қурилиши—325645; фан, маданият ва олий ўқув юртлари—325553; адабиёт ва санъат—325767; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик—325733; хатлар ва оммавий ишлар—334048, 325354; фельетонлар—325556; фотомухбир—325894.

Р—11156 А. 1672. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС: 64684. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12